

Шодлик кунларимиз



Зулҳижжа ойининг дастлабки ўн куни. Аллоҳ таоло бу кунларнинг қадридан мўмин бандаларини огоҳ этиб, қасам келтирган: **"Тонга, ўн кечага, жуфтга, тоққа, ўтадиган кечага қасам!"** (Фажр, 1-4).

"Тонг қурбонлик куни тонгидир; ўн кеча - зулҳижжа ойининг ўн кунидир; жуфт — қурбонлик кунидир; тоқ — арафа кунидир; ўтадиган кеча — Муздалифада ўтадиган кечадир". Ибн Аббос (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) ва бошқалар бу оятларни мана шундай тафсир қилишган (Ибн Касир).

"Бу кунларда қилинган яхши ишлар бошқа кунлардагидан кўра Аллоҳ таолога суюқлироқдир" (Имом Бухорий, "Саҳиҳ").

Дунёнинг барча гўшаларида яшаётган мусулмонларнинг юраги бу кунларда ернинг муборак нуқтасига — Маккаи мукаррамага янада кўпроқ талпинади. Бу кунларда милёнлаб мусулмонлар (жумладан, юртдошларимиз ҳам) зиммаларидаги ҳаж фарзини бажаришади ва гуноҳлардан покланишади.

Қурбон ҳайити ҳам ана шу кунлар — зулҳижжанинг ўнинчи кунидан бошланади. Бу муборак кунлар фазилатидан тўлароқ насиба олишимиз учун нималар қилишимиз керак? Биринчидан, ортга боқиб, ўтган умримизни текшириб чиқишимиз, гуноҳ ва хатоларимиз-

га тавба қилишимиз лозим. Гуноҳни англаш абадий саодатга эришишнинг илк шarti бўлса, тавба қилиб, яхши амалларга ўтиш кейинги шartидир.

Аллоҳ таоло ва унинг суюкли элчиси Муҳаммад (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) рози бўлган ишлар яхши ишлардир.

Қурбонлик кунларида Аллоҳ таолога севимли энг яхши иш қодир бўлганларнинг қурбонлик сўйишидир. Қурбонлик қонининг биринчи томчиси ерга тушиши билан қурбонлик қилувчининг ўтган гуноҳлари кечирилади, деб Расулulloҳ (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) башорат берганлар.

Зеро, қурбонлик Аллоҳ таолони улуғлаш, берган неъматларининг шукронасини адо қилиш ва нафсоний иллатдан покланишдир.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **"Сизлар шукр қилсангиз ва имон келтирсангиз, Аллоҳ сизларни азобламайди"** (Нисо, 147).

Бу улуғ кунларда минглаб мусулмонларнинг гуноҳлардан покланиши оммага шодлик ва севинч бағишлайди. Шунинг учун ҳам Қурбон ҳайити кунлари рамазон ҳайити каби шодлик ва севинч кунларидир.

Бу шодлик кунларини қайғули кунларга айлантириш, мотамсаро кайфиятда ўтказиш мусулмонларга муносиб эмас!

Муҳаммад СИДДИҚ



МУНДАРИЖА

Ҳайитингиз муборак! Муҳаммад СИДДИҚ	
Шодлик кунларимиз	1
Яхшиликка чақирув Шоди АБДУЛАҲАД	
Ризқ Аллоҳдандир	6
Ҳайитингиз муборак Ташриқ такбири	
Қурбон ҳайити суннатлари	7
Тафсир Ваҳба Мустафо ЗУҲАЙЛИЙ	
Ҳумаза сураси	8
Тафаккур Жаъфар АБДУЛМЎМИН	
Ҳиро тоғидан юксалган овоз	12
Конститутсиямизнинг 13 йиллиги Абдулҳаким БОҶИЕВ	
Миллат манфаатлари кафолати	14
Муштарий илҳом Исрофил ИСМОИЛ	
Дуо қилинг	15
Насиҳат Зайниддин ИСОМУҲАММАД	
Кечиримли кишининг фазли	17
Футуҳот қомусидан Аҳмад МУҲАММАД	
Асл мурувватнинг илдизи қаерда?	18
Шеърят Аъзам ИСМОИЛ	
Покиза ҳаёт бер	24
Йўлдош БАҲРИН	
Қиш манзараси	24
Эрназар ТОПИЛ	
Илҳом олдим Қуръондан	25
Гулшан РАҲИМ	
Ҳақиқат	25
Мактубларда манзаралар Тоғимухаммад ТЎЛАН	
Йўлда	28
Руҳиддин АКБАР	
Имон саломатлиги муҳим	29
Муҳаммаджон МАҲМУДОВ	
Мозийни билишнинг фойдаси	29
Санъат Саидахбор БЎЛАТОВ, Абдуллоҳ ЭЛИМУРОДОВ	
Нақшларга яширинган ҳикматлар	31
Масжидларимиз Абдул ЖАЛИЛ	
Бойқозонда байрам бўлди	32

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ножоиз жойларга
ташламаслигингизни сўраймиз

Ҳадис илми

Муҳаммад Закариё КАНДЕҲЛАВИЙ

4

ҲАЖНИНГ ФАЗИЛАТИ ВА ОДОБЛАРИ

Пайгамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салом
бўлсин) бундай деганлар: "Ҳаждаги яхши
амал мулойим сўзлаш ва кишиларга таом
беришдир".

Зеро, ҳажда талашиб-тортишиш, жан-
жаллашиш тақиқланади. Ҳожилар камгарин,
хушхулқ, ўзаро марҳаматли бўлишлари ке-
рак. Ҳажда ўзгаларга ҳар қандай зиён-заҳ-
мат етказишдан сақланиш ҳамда ўзгалардан
етган ҳар қандай азиятларга сабр қилиш
яхши ҳулқ аломати ва шартидир.



Хабарлар

10

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Лондон марказий
масжиди қурилади

2012 йилги Олимпияда ўйинлари
бошлангунига қадар Лондондаги
Олимпия қишлоғида бирданига
қирқ минг намозхон ибодат қила-
диган улкан масжид қурилади.

Уч қаватли масжид лойиҳаси-
нинг баҳоси юз милён фунт-стер-
линг миқдориди бўлади. Уни амалга
оширишга британияликлардан ташқари хорижий
сармоядорлар ҳам маблағ ажратишади.



Бўлган воқеа
Муҳаммад ЗАЙН

16

МУБОРАК ОЙНИНГ МУБОРАК КЕЧАСИДА

Намозда саждага борганимда кўзимдаги мавжуд қоронғуликни кетказиб, қандайдир нур пайдо бўлаётганини ҳис қилдим. Намозда дуо қилаётганимда эса кўзларим яна қайтадан кўра бошлаётганини сездим.

Хотира
Турсун Али МУҲАММАД

22

РАҲИМ ПОЛВОННИНГ ҚАНОТИ

"Ҳаётингда ҳеч қийинчилик кўрдингми?"

"Йўқ".

"Бирон марта шукр қилдингми?"

"..."

Йўғониб кетдим. Кун энди ёриша бошлабди.

Тарбия

26

БОЛА ҲУҚУҚИ У ТУҒИЛГАН КУНДАЁҚ КУЧГА КИРАДИ

Ҳомийлик ва шифокорлар йили
Искандар ХЎЖАНОВ

30

ЁШ ЭЛЛИКДАН ОШГАНИДА

Таҳоратхоналарда кўпинча елвизак бўлиб туради. Шу боис белни, тиззаларни иссиқ ва маҳкам тутиб турувчи боғламалардан фойдаланиш яхши самара беради.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ

Абдулазиз МАНСУР

Неъматилла ИБРОҲИМОВ

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Абдураззоқ ЮНУС

Анвар ТУРСУН

Дурбек ОБИДЖОН

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Эркин МАЛИК

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади

Бадиий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли

Матни

Райҳона ХОЛБЕК қизи

терди

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.3742.24-34-04

Раҳбари Ўктам ҳожи Умрзоқ

Фарғона вилояти — 8.37357.2-12-38

Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин

Манзилимиз:

700021, Тошкент шаҳри,

Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;

Тел: 49-18-26, 144-36-53.

Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uzИнтернет почтаимиз: admin@hidoyat.uzЎзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.

Гувоҳнома рақами 170.

Босишга 2005 йил 18 декабрда рухсат берилди.
Босмахонага 2005 йил 23 декабрда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 11500 нусха. 263-сон буюртма. «KONI NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганда исми шарифлар
тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

ҲАЖ ФАЗИЛАТИ ВА ОДОБЛАРИ

Атоқли алломалардан мавлоно Муҳаммад Закариё Кандеҳлавий (*Аллоҳ раҳматиға олсин*) ўзларининг "Фазоилул ҳаж" китобларида ҳаж фазилати ва одобларига доир ҳадисларни бундай шарҳлайдилар:

Абу Хурайран (*Аллоҳ у кишидан рози бўлсин*) ривоят қилинади: Набий (*у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин*) дедилар: "Ким Аллоҳ учун ҳаж қилса, фаҳш сўз айтмаса ва фиску фасод қилмаса, худди онаси туққан кунидек қайтади" (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Шарҳ: Чақалоқ туғилган вақтда бегуноҳ бўлади. Аллоҳ учун қилинган ҳажнинг самараси ҳам худди шундай. Яъни, холис ҳаж қилган киши гуноҳларидан батамом фориғ бўлиб қайтади. Намоз туфайли кичик гуноҳлар кечирилиши келтирилган. Аммо кўпчилик уламоларимизнинг хулосасига кўра, ҳаж туфайли ҳам кичик, ҳам катта гуноҳлар кечирилади.

Ушбу ҳадисда уч нуқта зикр қилинган:

1. *Аллоҳ учун ҳаж қилиш*. Яъни, ҳаж қилувчи фақат Аллоҳ розилигини ният қилиши лозим. Ниятига дунёвий мақсадларни — шуҳрат қозониш, риёкорлик ва шу каби бошқа иллатларни аралаштирмайди. Ҳаждан сайр-саёҳат қилиш, шуҳрат-ном қозониш, тижорат молини қўлга киритиш ва бошқа талаблар қўзланмаслиги лозим.

2. *Ҳажда фаҳш-уят сўзларни айтмаслик*. Уламолар фаҳш-уят ҳисобланган ҳар қандай сўзни, ҳатто ўз жуфти ҳалоли олдида ҳам гапирмаслик, имо-ишора билан ҳам бундай хатти-ҳаракатлар қилмаслик лозимлигини айтадилар. Қолаверса, ҳар қандай беҳуда, бекорчи сўзлар, ҳазил-мутойибалардан йироқ бўлиш зарур, деб кўрсатадилар.

3. *Ҳажда ҳар қандай фиску фасод, гуноҳ ва ман этилган ишларни асло қилмаслик*. Бошқа бир ҳадисда Пайгамбаримиз (*у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин*) бундай деганлар: "Ҳаждаги яхши амал мулоқим сўзлаш ва кишиларга таом беришдир".

Зеро, ҳажда талашиб-тортишиш, жанжаллашиш тақиқланади. Ҳожилар камтарин, хушхулқ,

ўзаро марҳаматли бўлишлари керак. Ҳажда ўзгаларга ҳар қандай зиён-заҳмат етказишдан сақланиш ҳамда ўзгалардан етган ҳар қандай азиятларга сабр қилиш яхши хулқ аломати ва шартидир.

Зеро, Бақара сураси 197-оятда ҳам айни маънолар таъкидланган: **"Ҳаж (мавсуми) маълум ойлардир. (Яъни, шаввол, зулқайда ва зулҳижжа ойининг ўн кунини ҳаж учун сафар қилинадиган ойлардир). Бас, ким шу ойларда (ўзига) ҳажни фарз қилса (ҳажни ният қилса), ҳаж давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди"**.

Ҳаж умрда бир марта бажариладиган улғу ибодат. Шу сабабли ҳаж қилувчи ҳар бир киши аввало бу ибодатни адо этиш масалалари ва одобларини пухта ўрганиб олиши, бу борада уламоларнинг ёзган китоб ва рисоалари билан танишиб чиқиши лозим. Ҳажнинг баъзи муҳим одобларини қисқача зикр қиламиз:

1. Зоди роҳила. Аллоҳ таоло Бақара сурасида бундай марҳамат қилади: **"Ва таъминланиб олинг! Албатта, энг яхши озуқа тақводир"** (197-оят). Ушбу ояти каримада ҳаж сафари олдида зарурий маблағ ва озуқага эга бўлиш буюрилмоқда. Куруқ таваккул билан иш битмаслиги, балки сабабларни ўринлатиб, сўнгра таваккул қилиш уқтирилмоқда.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббосдан (*Аллоҳ у кишидан рози бўлсин*) ривоят қилади: "Яман аҳли ҳажга озуқа олмай келишар, биз таваккул қилувчилармиз, дейишар эди. Маккага келганидан сўнг одамлардан тиланчилик қилишга тушишарди". Бошқа бир ривоятда келишича, яманликлар: "Байтуллоҳни ҳаж қиламиз-у, Аллоҳ бизни оч кўярмиди", дейишар экан.

Буларнинг ишини рад этиб ушбу оят (*Бақара, 197*) нозил бўлган. Демак, ҳажга отланган киши аввало сафар давомида кифоя қилгудек, ҳалол йўл билан топилган йўл озуғига эга бўлиши керак. Аммо энг муҳим озуқа — руҳий озуқа, яъни, тақво (Аллоҳдан қўрқиш) эканини унутмаслик керак. Бу эса ҳажнинг барча зоҳирий ва



ботиний шарт-одобларига амал қилиш билан бўлади. Шу сабабли Абу Ҳурайрадан (*Аллоҳ у кишидан рози бўлсин*) ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (*у зотга Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин*) бундай деганлар: "Агар ҳаж қилувчи ҳалолдан топган маблағ билан ҳажга борса ҳамда уловга миниб: "Лаббайкаллоҳумма, лаббайк", деб одимласа, осмондан бир фаришта унга нидо қилиб, дейди: "Сенинг "Лаббайка" дейишинг мақбул, маблағинг ва уловинг ҳалол, ҳажинг мабрур (мақбул)дир". Агар ҳаж қилувчи киши ҳаромдан топган маблағ билан ҳажга борса ҳамда уловга миниб: "Лаббайкаллоҳумма, лаббайк", деб одимласа, осмондан бир фаришта унга нидо қилиб, дейди: "Сенинг "Лаббайка" дейишинг мақбул эмас, маблағинг ва уловинг ҳаром, ҳажинг мабрур эмас" (*Имом Табароний ривояти*).

2. Аввалги барча гуноҳларга тавба қилиш, бирор кишига зулм отказган бўлса, ундан узр сўраб, розилигини олиш керак.

3. Уйдан чиқайдан олдин икки ракат нафл намоз ўқиш, уйдагилар, яқин биродарлар билан хайр-хўшлашиш, барчаларидан дуо олиш зарур.

4. Ушбу муборак сафар учун сарфланадиган маблағни хурсандчилик билан харж қилиш керак.

5. Зеб-зийнат ва роҳат асбобларидан фойдаланишдан ва исрофдан ниҳоятда узоқ бўлиш лозим. Либос, ейиш-ичиш камтарона ва зарурий миқдорда бўлиши даркор. Зеро, ҳаж умматнинг роҳиблигидир. Бас, унда бир муддат дунёвий лаззатлар ва шаҳвоний истақларни тарк қилиш шарт.

6. Намозларни ўз вақтида, тўла-тўқис адо қилишга зўр бериш зарур. Баъзилар бу ишда сусткашлик қиладилар. Бу эса катта гуноҳдир.

7. Ҳаж ҳақиқий Маҳбуб талаб этган зиёрат бўлгани учун сафардаги ҳар бир ибодатни кучли иштиёқ, зўр завқ ва шавқ билан адо қилиш ҳамда жаннатда жамолини кўриш бахтига эришишдан умидвор бўлиши керак.

8. Ҳар бир ибодатни Аллоҳ таоло ўз лутфи ва карами ила қабул этади, деган холис ният билан адо қилиш керак.

Аммо ҳар бир ибодатда ўзини нуқсонли кўриб, ҳаё ва илтижо билан Аллоҳнинг фазлу карамига суяниш талаб этилади.

9. Ҳажда ҳар ўриндаги дуоларни ўрганиб, дуо

қилишга зўр бериш, гофил қалб билан эмас, огоҳ қалб билан зорланиб, илтижо қилиш керак.

Ибн Умардан (*Аллоҳ у кишидан рози бўлсин*) ривоят қилинади: Расулulloҳ (*у зотга Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин*) дедилар: "Агар ҳаждан қайтган киши билан учрашсанг, унга салом бер, у билан кучоқлашиб кўриш ва сенга мағфират тилаб дуо қилишини сўрагин. Зеро, унинг гуноҳлари мағфират қилингандир" (*Имом Аҳмад ривояти*).

Шарҳ. Улуғ ҳаж сафаридан қайтаётган ҳожиларга пешвоз чиқиб, кутиб олиш савобли. Бошқа бир ҳадисда айтилади: "Ҳожилар Аллоҳнинг меҳмонлари, уларнинг сўраган нарсалари берилади, дуолари қабул бўлади". Бошқа бир ҳадисда Пайғамбаримиз (*у зотга Аллоҳнинг саломли бўлсин*) бундай дуо қилганлари ривоят этилади: "Аллоҳим, ҳожининг гуноҳини кечир, ҳожи ким учун кечиришингни тилаб дуо қилса, унинг ҳам гуноҳини кечир".

Ҳазрати Умар (*Аллоҳ у кишидан рози бўлсин*) бундай деганлар: "Аллоҳ таоло ҳожининг гуноҳини мағфират қилади ҳамда уч ой мобайнида ҳожи ким учун мағфират тилаб дуо қилса, қабул бўлади".

Таржимон изоҳи: Аллоҳга шукрлар бўлсинки, юртимизда ҳам ушбу ўғитга азалдан ва ҳозирда ҳам амал қилинади. Муборак ҳаж сафаридан қайтган ҳожиларимизни уларнинг яқинлари, қариндош-уруғлари, ҳатто бошқа имондош биродарлари, маҳалла аҳли, кўни-кўшнилар келиб зиёрат қилишади. Уларнинг севинч тўла кўзёшлари билан қилган дуоларини олишади. Ҳаж таассуротларидан бахраманд бўлишади. Ҳожиларимиз келтирган муборак замзам сувидан ичиб, файзи илоҳийга тўлишади. Зеро, Пайғамбаримиз (*у зотга Аллоҳнинг саломли бўлсин*) марҳамат қилганлар: "Замзам суви нима ниятда ичилса, шунинг учундир" (*Ибн Можа ривояти*).

Парвардигор муборак ҳаж сафарига борган барча ҳожиларимизнинг ҳажларини мабрур-мақбул этсин! Муқаддас жойларда қилган дуоларининг баракотидан юртимизни тинч-осойишта, халқимизнинг ҳаётини тўқис қилиб, барчамизнинг гуноҳларимизни мағфират этсин!

Ғиёсиддин ЖАМОЛ
таржимаси



Абадий музликларда емиш ахтариб, изгиб юрган оқ айиқлар ҳам Аллоҳнинг иноятдан бенасиб қолмайди.

Кушлар ва ҳайвонларни кузатсангиз, эртадан кечгача ризқ талабида бўлишади. Аммо улар ботиний бир туйғу-сезги билан Яратган зот ўзларини емишсиз, оч қўймаслигини "билиб" туришади. Кун бўйи ризқ ортидан юрганлари ва Аллоҳнинг амрини бажарганлари туфайли кечга бориб, қоринлари тўйган ҳолда хотиржам уйкуга кетишади. Уларни уядан, индан тортиб чиқадиган нарса — Аллоҳ атаган ризқ-

РИЗҚ АЛЛОҲДАНДИР

Аллоҳ таоло Куръони каримда бундай марҳамат қилади: **"Ерда ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир"** (Худ, б, мазмуни); **"Ўз ризқу рўзини кўтара** (яъни; топа) **олмайдиган қанчадан-қанча жотзотлар бордир. Аллоҳ уларга ҳам, сизларга ҳам ризқ берур"** (Анкабут, 60).

Ҳеч эътибор берганмисиз: уйингизга ин қурган қалдирғоч боласини овқатлантириш учун кунига юз марталаб парвоз қилади. Унга кимдир овқат тайёрлаб турмаган ёки, фалон жойда ҳашарот кўп, деб маълумот бермаган. Ҳар гал у емиш излашда Аллоҳга таваккал қилиб, кўкка кўтарилади.

Оғзини очиб, ҳаракатсиз турган балиқларга ҳам Аллоҳнинг ўзи ризқ беради. Бир кунда тонналаб емиш ейдиган китларнинг ризқини ҳам Аллоҳ етказди.

ни излаш, ахтариш, топиб фойдаланиш. Жонзотлар уяларда эриниб, жим ётган билан ҳеч қаердан ризқ келмаслигини баъзи "инсон"ларга

нисбатан яхшироқ ҳис этадилар. Шунинг учун Коинот фахри Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) ризқ ахтаришда қушлардан ўрناق олишни инсонларга маслаҳат берганлар: **"Агар Аллоҳдан умид қилсангиз, оч бўлиб тонгта, тўқ бўлиб кечга кирадиган қушларни ризқлантиргани каби, сизларни ҳам ризқлантиради"** (Термизий ривояти).

Аллоҳ таоло мўминларга ҳалол ризқ исташни буюрган: **"Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз покиза нарсалардан энглар"** (Бақара, 172). Бандалар нафақа ва ризқ топишга, топганида ҳам ҳалол касб билан, ҳалол йўл билан, ҳалол покиза нарсаларни из-

Бу воқеага ўзим гувоҳ бўлганман: бир гуруҳ танишлар билан Намангандан пойтахтга учётган эдик. Тошкентда вақтни тежаш учун бир оз тамадди қилиб олмоқчи бўлиб, емакхонага кирдик. Дастурхон устида шеригимизнинг томоғига нон ушоғи ўрнашиб қолди шекилли, кетма-кет ўқчиб, йўтал тутди. Устидан нон еб юборди, чой ҳам ичирдик, фойдаси йўқ. Томоғи қичиб, безовталаниб, ҳатто кўзидан ёш чиқди.

Тошкентга етиб келдик. Учоқ зинасидан тушаётганимизда бояги шеригимиз кетма-кет акса урди-да, оғзидан боя томоғига тиқилган нон ушоғи уч қадамча нарига отилиб тушди. Шу пайт аллақайёқдан бир чумчуқ пириллаб учиб келиб, бояги ушоқни бир чўқидию илиб кетди. Шеригимиз таажжубини яшира олмай: "Шу чумчуқнинг ризқи экан, юта олмай, нақ Намангандан томоғимда кўтариб келибман-а!" деб юборди.

лашга буюрилган. Чунки ҳалқум булганса, ризқига ҳаром нарсалар аралашса, имони сустлашади, ихлоси пасаяди, ибодатларида завқ-лаззат тотмайди.

Расулуллоҳ бундай марҳамат қилганлар: "Кинининг энг лаззатли ва ҳалол оши ўз касби билан топган ризқидир" (*Аҳмад ибн Ҳанбал. "Муснад"*); "Эй одамлар, ҳеч бирингиз ризқингизни мукаммал олмагунингизча ўлмайсиз. Ризқда шошилманглар, чиройли талаб этинглар. Сизларга нима ҳалол қилинган бўлса, уни олинглар ва Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ташланглар" (*Ибн Можа ривояти*).

Мўминнинг ризқи фақат ҳалол нарсалар бўлиши керак. Алдаш, хиёнат қилиш, ришва, рибо, қимор, ароқфурушлик каби ҳаром ишлар билан ризқ изланмайди. Абу Бакр Сиддиқ томоқларига билмасдан ўтиб кетган бир парча шубҳали луқмани чиқариб ташлагач, бундай деганлар: "Пайғамбарнинг: "Аллоҳ таоло ҳаром нарсалар билан озукланган ҳар бир жасадни жаннатдан маҳрум қилади", деб айтганларини эшитганман".

Расулуллоҳдан (*у зотга Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин*) бундай ҳадис бор: "Бирорталарингизга Аллоҳ таоло бирор сабаб билан ризқ бериб келган бўлса, токи зарар кўрмаса, шу сабабли уни тарк этмасин" (*Ибн Можа ривояти*). Яъни, агар бирор касб ёки ҳунар орқасидан тирикчилигимиз ўтиб турган бўлса, ўзимиз ва оиламизни муҳтожликдан қутқариб турган бўлса, шу касбни давом эттиришимиз ақлдандир. Аксинча, буни-сига қаноат қилмай, каттароқ мол-дунё орттириш мақсадида уни тарк этсак, Расулуллоҳнинг кўрсатмаларига зид иш қилган бўламиз.

Муҳими ризқнинг кўп-озлиги эмас, балки ҳалол-ҳаромга риоя этиб топилишидир.

Шоди АБДУЛАҲАД



Ташриқ такбири

Ташриқ такбирини зулҳижжа ойининг тўққизинчи (арафа) куни бомдод намозининг фарзидан сўнг бошлаб, жами йигирма уч вақт фарз намозидан сўнг бир мартадан овоз чиқариб айтиш вожибдир. Бу кун фарз намозлари салом бериб тугалланиши билан ташриқ такбири айтилиши керак. Аёллар ташриқ такбирини ичларида айтишади. Ташриқ такбири будир:

"Аллоҳу акбар. Аллоҳу акбар. Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Аллоҳу акбар. Ва лиллаҳил ҳамд".

Қурбон ҳайити суннатлари

Ҳайит намозига чиқишдан олдин:

- гусл қилиш;
- тозаланиш (тирноқларни, қўлтиқ ва киндик ости тукларини олиш; мўйлабни қисқартириш);
- энг яхши ва тоза кийимларни кийиш;
- хушбўйликлар суриш;
- тонг отганидан бошлаб то ҳайит намози ўқиб бўлингунича ҳеч нарса еб-ичмаслик;
- масжидга етгунча овоз чиқариб ташриқ такбирини айтиб бориш.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан.

1. Барча (кишиларга дилозорлик қилиб, уларнинг обрўларини тўкиб юрадиган) **бўхтончи-ғийбатчига ҳалокат бўлмай**. 2-3. **Ки, у** (топган) **мол-дунёси ўзини мангу** (ўлмайдиган) **қилиб кўйган**, **деб ўйлаган ҳолида** (фақат) **мол тўплаган ва ўша** (мол-дунё)ни **ҳисоб-китоб қилиб** (бирон савобли ишга сарфламасдан) **юрган кимсадир**. 4. **Йўқ** (унинг бу ҳисоб-китоби бекордир)! **Қасамки, албатта у чилпарчин қилгувчи** (дўзах)га **ташланур!** 5. (Эй инсон,) **чилпарчин қилгувчи нима эканини сен қаердан билар эдинг?! 6-7** (У) **Аллоҳ ёққан оловидирки**, (ўз алангаси билан баданларини тешиб ўтиб) **юракларга қадар егур!** 8-9. **Албатта** (у кофирлар) **узундан-узун устунларга** (занжирлар билан боғлаб кўйилган ҳолларида олов) **уларнинг устида қопла-ниб қолгувчидир** (яъни, кишанбанд бўлганлари сабабли на улар жаҳаннам қаъридан қутулиб чиқа олувлар ва на улар нафас олишлари учун бир ютум гоза ҳаво кирур)!

Ваҳба Мустафо ЗУҲАЙЛИЙ

ҲУМАЗА СУРАСИ

«Мунир» тафсиридан

Ушбу сура "Вайлул ликулли ҳумазатил лумаза", деб бошлангани сабабли "Ҳумаза" деб номланган.

"Ҳумаза" одамларни ғийбат қилиб, сўз, амал ёки ишора билан таҳқирлаш маъносидадир.

"Лумаза" одамларни кўз ва қош ила ишора қилиб айблашдир.

Сура ичига олган нарсалар

Бу сура одамлар орасида илдиз отган қабих қулқ — ғийбат қилиш ва камситиш одатини муолажа этади. Одамларни айблаб, таҳқир этиб, уларни паст санаб, масхара қилувчиларнинг барчаси дунё ва охирада қаттиқ азобга қолишидан хабар беради.

Нозил бўлиш сабаби

Ато, Калбий ва Судийлар: "Бу сура Аҳнас ибн Шурайк ҳақида нозил бўлган, чунки у одамларни, хусусан, Расулulloҳни (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) айблаб, ғийбат қилар эди", деб айтишган.

Муқотил, Муҳаммад ибн Исҳоқ Суҳайлий, Абу Ҳайён сурани бошқа одам ҳақида нозил



бўлганини айтишади. Сура ким ҳақида нозил бўлган бўлмасин, унда баён қилинган қайтариқ умумийдир. Усул уламолари наздидаги умумий қоида шуки, сабабларнинг хос бўлиши лафзнинг умумийлигини инкор этмайди.

Тафсири ва баёни

"Барча (кишиларга дилозорлик қилиб, уларнинг обрўларини тўкиб юрадиган) **бўхтончи-ғийбатчига ҳалокат бўлмай**".

Яъни, одамларни улар йўқлигида ғийбат ва ҳақорат қилиб ёки уларнинг олдиларида айблайдиганларга қаттиқ азоб ва хўрлик бўлмай.

Муқотил: "Ҳумаза — ҳозир бўлмаган кишини орқасидан ғийбат қилиш. Лумаза — юзга солиб айблаш", дейдилар.

Ибн Аббос эса: "Ҳумаза ва лумаза ҳақорат қилиб айблашдир", деганлар.

Ки, у (топган) **мол-дунёси ўзини мангу** (ўлмайдиган) **қилиб кўйган**, **деб ўйлаган ҳолида** (фақат) **мол тўплаган ва ўша** (мол-дунё)ни **ҳисоб-китоб қилиб** (бирон савобли ишга сарфламасдан) **юрган кимсадир**.

Яъни, одамларни ҳақорат қилиб, айблаб, улардан ўзини баланд тутувчи ўша кимсанинг

бундай қилишига сабаб мол-дунёсининг кўплигидир. Мана шу сабабли бошқалардан ўзини "фазилатли" деб гумон қилади.

Йиққан молини абадий яшашига қафолат бўлади, деб ўйлайди ва ўлмасдан, мангу тирлик қоламан, деб гумон қилади. У тўплаган молига гурурлангани ҳамда ўлимдан кейинги ҳолатни ўйламагани учун шундай деб ҳисоблайди. Унинг бу ўй-фикрлари оятда рад этилади:

"Йўқ (унинг бу ҳисоб-китоби бекордир)! Қасамки, албатта у чилпарчин қилгувчи (дўзах)-га ташланур".

Иш улар ўйлагандек эмас, балки ўша мол тўплаган киши ва моли дўзахга ташланади. Дўзахга ташланган ҳамма нарса парчаланиб, майда-майда бўлиб кетади.

Сўнгра дўзах ҳолатини зикр этиш билан ваҳимага солиб, уни қуйидагича таништиради:

"(Эй инсон,) чилпарчин қилгувчи нима эканини сен қаердан билар эдинг? (У) Аллоҳ ёққан оловидир..."

Яъни, бу дўзах нима эканини сенга нима билдирди? У ўзи қандай нарса? Бу таъкид билан инсон дўзахни идрок эта олмаслиги айтилган. У аланга Аллоҳнинг амри ила ёқиб кўйилган, асло ўчмайди.

"Аллоҳнинг олови" дейилишидан мурод у оловнинг жуда буюк ва бошқа оловлар каби эмаслигини таъкидлашдир.

Сўнгра дўзах учта сифат билан баён этилади. Улар:

"...олов... юракларга қадар етур. Албатта, (у кофирлар) узундан-узун устунларга (занжирлар билан боғлаб кўйилган ҳолларида олов) уларнинг устида қопланиб қолгувчидир".

Яъни, олов юракларни ўраб, тириклайин куйдириб юборади. Юрак бадандаги оғриқни энг кўп сезувчи аъзодир. Юракни хослаб зикр этишга сабаб, азоб тортувчи юрак ботил ақида, ёмон ният, кибр ва одамларни паст санашга ундайдиган аъзодир.

Улар дўзахдан чиқишга қодир эмас. Бу ҳақда бундай айтилади: **"Уларнинг устида қопланиб қолгувчи олов, дўзах бўлур"** (Балад, 20). Ва яна: **"Ҳар қачон улар (дўзах) ғами-азобидан (қочиб) чиқмоқчи бўлсалар, яна унга қайтарилурлар"** (Ҳаж, 22).

Муқотил: "Улар қаршисида дарвозалар ёпилган, улар темир пона билан маҳкамланган бўлиб, асло очилмайди. Унга шодлик кирмайди", деб тафсири этган.

Сурадан ўрганганларимиз

1. Барча ғийбатчи, айбловчи ва одамларни таҳқирловчиларга хўрлик, азоб ва ҳалоқат бўлади. Расулulloҳ (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин): "Аллоҳ бандаларининг энг ёмони чақимчилар, дўстлар орасини бузиб, айбис одамларга тажовуз қилувчилардир", дедилар.

2. Кишиларни таҳқирлаб ғийбат қилишлари ва одамлардан ўзларини баланд тутиб, уларни паст санашларига мол-дунёларининг кўп бўлиши ва узун орзулари сабабдир. Чунки бойлик кишида ажабланиш ва кибрни пайдо қилади. Мол-дунёни зарурат бўлмаганида ҳисоблаш нафси паст зийнатлар билан хурсанд қилиб боқий саодатдан узоқлашишга олиб боради. Чунки мол-дунё узун орзу, ҳой-ҳавасларга етаклайди. Ҳатто мол эгаси гафлатда қолиб, ўша бойлиги уни дунё ҳаётида мангу қолдиради деб ўйлайди.

3. Аллоҳ таоло бу гумон, ўй-фикрларни рад этиб, мол-дунё инсон қадрини кўтара олмаслиги ва бошқаларни таҳқирлашга ҳам сабаб бўлмаслигини уқтиради.

Ҳақиқатда мол-дунё, улар гумон қилганидек, абадий саодатга сабаб бўлмайди. Абадий саодатга илм ва амал боисдир. Ҳазрати Али (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) айтганларидек:

"Мол-дунё хазиначилари тирик бўлишса ҳам, ўлик ҳолидадир,

Уламолар эса, замон қолгунича боқийдилар".

4. Ўз нафсини яхши кўриб мол жамлаган молига гурурланиб одамларни ғийбат қилиб таҳқирлаб юрувчи кимсаларга Аллоҳ таоло азоб белгилаган. Бу азоб барча нарсани чилпарчин қилиб юборувчи дўзах оловидир. У Аллоҳнинг асло ўчмайдиган, доимий ёниб турадиган биёровидир. Аллоҳ бу дўзахни гуноҳкорлар учун тайёрлаб қўйган. Унинг олови жасаддаги барча нарсани еб тугатади. Қалбга етиб келса жасад қайта шаклланади ва яна уни олов қайтадан ейди.

Холид ибн Имрон ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) "Дўзах ўз аҳлини ейди, юрагига етиб келганида тўхтайдди. Сўнгра (жасад) янгидан пайдо бўлади, уни олов яна куйдира бошлайди", дедилар.

Анвар АҲМАД
таржимаси

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Исломни мазах қилиш қимматга тушди

Британия оммавий ахборот воситалари соҳасида назорат ва мувофиқлаштириш агентлиги (Ofcom) яқинда Манчестердаги "Key 103 FM" радиостансаси бош-

ловчиси Жеймс Стеннежга мусулмонлар шайнига номуносиб ҳазил қилгани учун 125 минг фунт-стерлинг жарима солди. Ҳозиргача ҳеч ким бунчалик катта жарима тўламаган эди.

Жеймс Стеннеж олиб борган тунги эшитириш тугаши биланоқ радиостанса идорасига бошловчининг қилиғидан ғазабланган тингловчилар қўнғироқ қила бошлашди. Суд қарорига кўра, қилмиши "мутлақо тўғри келмайдиган" деб топилган бошловчисини радиостанса маъмурлари ҳимоя қилиб ўтиришмади. Олдинроқ ҳам ана шу бошловчининг кескин гаплари учун "Key 103 FM" радиосига икки бор жарима солинган эди. Радиостанса вакилининг маълум қилишича, фитнагар Жеймс Стеннежнинг "паттаси" қўлига тутқазилган.

www.lenta.ru

Исломий иқтисод ва тижоратга бағишланди



Русиядаги "Муслим бизнес консалтинг" маркази "Ислом иқтисоди ва тижорати" номли CD-ROMни тайёрлади.

Лойиҳанинг асосий мақсади тадбиркорлик фаолиятига Ислом нуқтаи назаридан ахборий-таҳлилий ёрдам беришдир.

Биринчи мавзунинг муаллифи иқтисод фанлари номзоди Гулнора Нуруллина бўлди. CD-ROM ўн икки бўлимдан иборат. Уларнинг бир қисми исломий тижоратга — "қарз фои-

зи", "тижоратнинг ахлоқий жиҳатлари", "иқтисоднинг исломий концепсияси", "зақот" каби мавзуларга бағишланган. Қолганлари эса "Битимларни тузиш", "Русия Федератсияси ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлари" каби зарур ахборотларни қамраган. Бу янгилик Русияда шариат талабларига мувофиқ тижорат бошлаганларга қўл келиши аниқ.

www.islam.ru

Йирик банк ташкил этиляпти



"Бугунги кунда йирик исломий банклар ташкил этишга катта зарурат пайдо бўлди", деди Куала Лумпурда бўлиб ўтган исломий банклар бўйича халқаро кон-

ференсада Ислом молиявий хизмати халқаро кенгаши (IFSB) Бош котиби Рифот Аҳмад Абдулкарим.

IFSBнинг асосий вазифаси шариат талаблари асосида банк фаолияти тизимларини ишлаб чиқишдан иборат. Бу талабларга кўра, маст қилувчи ичимликлар, тамаки, чўчқа гўшти (маҳсулотлари) ишлаб чиқаришга, қимор ўйинлари ва судхўрлик ишларига сармоя ётқишиш ман этилган.

Ер юзида мусулмонлар сони бир ярим миллиард кишига етган бугунги кунда исломий молиявий хизматга талаб тинмай ўсиб борапти. Аммо бугун фақат биргина банк — Саудия Арабистонидаги ар-Ражҳи молиявий-сармоя корпоратсияси 500 милён доллар сармояга эга. 200 милён доллар жамғармага эга яна ўнлаб кичикроқ банклар ҳам бор.

Шу муносабат билан Абдулкарим IFSB бош кенгашига бир миллиард доллар низом жамғармасига эга бўлган улкан исломий банк ташкил этишни таклиф қилди. Бу эса жаҳон молия тизимида жиддий мавқега эга бўлиш имконини беради.

Лойиҳани амалга оширишни келгуси йили бошлаш кўзда тутилмоқда. Янги банк учун

Баҳрайн, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари ёки Малайзия мамлакатларидан бири қароргоҳ бўлиши мумкин.

Islam Info

Русия ҳожилари сони ортди



Русияда ҳаж қилишни хоҳловчи мусулмонлар сони бу йилнинг ўзида тўрт минг кишига ортиб, жами ўн уч минг кишига етди.

Русия муфтийлар кенгаши халқаро бўлими мудир Равшан Аббосов айтишича, бу йил ҳажга борувчилар сони кенгашнинг ҳаж бўйича Раёсати мажлисида аниқланди. Умуман, Саудия Арабистони Русиядан йигирма минг нафаргача ҳожилар қабул қилишга тайёр.

Ҳисоб-китобларга кўра, Русия ҳожиларининг асосий қисми Шимолий Қофқоз (Доғистон, Ингушистон, Чеченистон ва бошқа республикалар), шунингдек, Тотористон, Бошқирдистон, Масковдан боришади. Ўтган йили тўққиз минг киши ҳаж ибодатини адо этган эди.

РИА "Новости"

Олимпия қишлоғида қирқ минг кишилик масжид қурилади



2012 йили Олимпияда ўйинлари бошлангунига қадар Лондондаги Олимпия қишлоғида бирданига қирқ минг намозхон ибодат

қиладиган улкан масжид қурилади.

Уч қаватли масжид замонавий услубда лойиҳаланмоқда: унда одатдаги миноралар бўлмайди, гумбаз ўрнини эса ярим шаффоф панжарали том эгаллайди. Бироқ бино деворлари ва шифтини анъанавий Ислом хаттотлиги намуналари безайди. "Бунақаси мамлакатда аввал ҳеч қачон бўлмаган. Буюк Британия қиёфасининг бир қисмига айланиб қолувчи келажак масжиди барпо этилади", дейди лойиҳа ташкилотчиларидан бири Абдулхолиқ.

Янги ибодатхона "Лондон марказий мас-

жиди" номини олади ва ҳозирги масжид ўрнида тикланади. Дастлабки ҳисобларга кўра, лойиҳанинг баҳоси юз милён фунт-стерлин миқдорига бўлади. Уни амалга оширишга британияликлардан ташқари хорижий сармоядорлар ҳам маблағ ажратишади.

The Time

Франса мусулмонларининг ёрдами

Бу йил Франса ва Оврупа шимолида қаттиқ совуқлар бошланиб кетди. Франсанинг шимолий-шарқида ўн сантиметр қор ёғди. Одамлар музлаб қолиб ҳалок бўлишди. Айрим катта йўлларда ҳаракат қийинлашиб қолди.

Шу муносабат билан Франса Ислом ёрдам жамғармаси бошпанасиз одамларга маблағ ажратди. Уларга иссиқ овқат ва бошпана берилди. Айрим масжидларда ётоқ жойлари ташкил этилди.

Islam Online



Ягона тақвим тақлиф қилинмоқда

Ҳиндистонлик фалакшунос ва полиглот (ўн олтита тилни билади), Калкуттада жойлашган ҳижрий йил бўйича Ҳиндистон қўмитаси асосчиси Али Манукфан Ислом Конференсаси Ташкилотига аъзо мамлакатларни Мақкадаги анжуманда ягона мусулмон тақвими жорий этиш масаласини муҳокама қилишга чақирди. Унинг айтишича, бугунги кунда Исломнинг асосий байрамлари турли мамлакатларда турли пайтларда ўтказилаётгани мақбул эмас.

Олим ўзи ишлаб чиққан ягона ой тақвими барча мусулмон мамлакатларига тақлиф этди. "Ислом илм-фанга асосланган энг илғор диндир. Пайғамбар (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) юксак технологиялар асрида яшаётган умматларига ойни асбобларсиз, фақат оддий кўз билан кузатишни буюришларига ишонгини келмайди. Ваҳоланки, ҳозир ой ва кўёш тақвимларининг кунларини олдиндан илмий ҳисоб-китоблар билан аниқлаш мумкин", дейди Али Манукфан.

Arab News



ҲИРО ТОҒИДАН

Киммиз, қандай келдик, қаёққа кетамиз? Нима учун яратилдик? Нега одамлар динга эътиқод қилади? Бу борлиқ нима ўзи? Дунё ҳаёти қандай бошлангану қандай тугайди? Умримизни қандай яшашимиз керак? Ўлимдан сўнг бизни нима кутади?

Бу саволлар кўпчиликнинг бошини қотирган, улар бугунги кунда ҳам баъзилар олдида кўндаланг турган бўлса, ажабмас.

Тўғри ақидани билмаганлар уларга ақли даражасида жавоб беради. Шунинг учун жавоблар турлича бўлади.

Мусулмонларнинг бу саволларга жавоби аниқ ва бир хилдир.

Қуръони каримда бундай марҳамат этилади: **"Дарҳақиқат, биз инсонни энг гўзал шаклу шайида яратдик"** (*Ваттийн, 4*); **"Мен жин ва инсни фақат ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим"** (*Ваззориёт, 56*); **"Дарҳақиқат, биз инсонни имтиҳон қилувчи бўлган ҳолимизда аралаш нутфадан (шаҳватдан) яратдик. Бас, синаш учун уни эшитадиган, кўрадиган қилдик"** (*Инсон, 2*); **"Сўнгра (у биз ато этган шундай гўзал сурат ва мукамал хилқатнинг шукрини қилмасдан, куфру тугён йўлига кетгач) уни асфаласофилинга (яъни, энг тубан дўзахга) қайтардик"** (*Ваттийн, 5*).

Аллоҳ таоло инсонни Ўзига ибодат қилиши, амр-фармонларини бажариши учунгина яратган. Бунга даъват қилиш учун расулларини юборган, китоблар нозил қилган. Унинг ҳақ йўлини тутганлар, Унга ибодат қилганлар, амр-фармонларини бажариб, қайтариқларидан чекинганлар ҳидоят топишган. Улар охиратда ажр-муко-

фотларга (жаннатга) эришадилар. Аллоҳнинг буйруқларини инкор этган, расулларига итоатда бўлмаган, залолатга кетиб, куфр ва ширк йўлини танлаган кимсаларга эса охиратда аламли азоблар, дўзах қийноқлари бор.

Аллоҳ таоло айтади: **"Албатта, Аллоҳ наздидаги (мақбул бўладиган) дин Ислому динидир"** (*Оли Имрон, 19*); **"Мен сизларга неъматимни тўкис қилиб бердим ва сизлар учун Исломуни дин қилиб танладим"** (*Моуда, 3*); **"Энг тўғри дин мана шудир. Лекин кўп одамлар билмаслар"** (*Рум, 30*).

Ислому динимиз, номига муносиб равишда, одамларни адолат, яхшилик, эҳсон, раҳмдиллик, меҳр-шафқат, эзгуликка буюради. Зулм, истибдод, фасод, ёмонлик, душманлик, бузғунчилик, тажовузкорликдан қайтаради. Тенглик, аҳиллик, ўзаро ҳурматни тарғиб қилади, аёлларнинг шайини кўтаради.

Исломуда бир одамнинг иккинчисидан ортиқчилиги, афзаллиги йўқ. Бир рангдагининг бошқасидан, бир миллатнинг иккинчи миллатдан, эркакнинг аёлдан устунлиги йўқ. Чунки Аллоҳ таоло одамзотни битта жинсдан (тупроқдан) барчасини тароқ тишларидай баробар қилиб яратган. Устунлик фақат тақво биландир. Ҳар бир инсон яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ўз ихтиёри ва хоҳиши билан қилади, у қилган амал-ишлари учун Аллоҳ ҳузуринида жавоб беради, савоб ва гуноҳига мукофот ёки жазо олади. **"Бас, ким (ҳаёти дунёдалик пайтида) зарра мисқолича (оғирлигича) яхшилик қилса, (қиймат кунини) ўшани кўрур. Ким зарра мисқолича (оғирлигича) ёмонлик қилса, уни ҳам**



ЮКСАЛГАН ОВОЗ

кўрур" (*Залзала, 7-8*); "Зинога яқинлаша кўрманглар! Чунки бу бузукликлар энг ёмон йўлдир" (*Ал-Исро, 32, мазмуни*); "Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шахватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўдилар. Энди улар албатта ёмонликка (яъни, ёмон жазога) йўлиқурлар" (*Марям, 59*); "Энди ким бундан ўзгани (яъни, зино ва шу каби, Ислом шариатида ҳаром қилинган бошқа нарсаларни) истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошгувчи кимсалардир" (*Маориж, 31*); "Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳнинг) лаънати бўлур ва улар учун энг ёмон диёр — жаҳаннам бордир" (*Раъд, 25*).

Ислом гўдакни қандай эмизиш, марҳумни қандай дафн этиш, меросни қандай тақсимлаш, етимлар ҳаққини ҳимоялаш, жониворларни қандай овлаш, уй ҳайвонларини қандай сўйиш, ота-онани қандай ҳурматлаш, бемордан қандай ҳол сўраш, қандай кийиниш, қандай еб-ичиш, қандай олди-сотди қилиш, кўшни билан қандай муносабат ўрнатиш — ҳамма нарсани қамраб олган. Динимиз ислоҳ қилмайдиган бирор соҳанинг, ҳатто энг майда-чуйда нарсанинг ўзи йўқ. Бузуқ эътиқодлар ва жоҳилликларни Ҳиродан* юксалган овозгина йўқ қила олади.

Ислом одамни ҳаёт уммонидан соғ-омон олиб ўтувчи нажот кемасидир.

Умар ибн Хаттобни: "Дажла қирғоғида бир чўпоннинг кўзисини бўри олиб қочса, Аллоҳ Умардан сўрайди", деб нола-изтироб чектирган

ҳам Исломдир. Австриялик машҳур сиёсатдон ва ёзувчи Асад Вайс бундай ёзади: "Ислом таълимотидаги бениҳоя кенг доирани ўрганишим жараёнида мусулмонларнинг бу таълимотдан узоқлашаётганларидан ҳайрат ва таажжубим орта борди. Исломдаги фаоллик, ҳаётсеварлик мусулмонлар орасида ялқовлик ва лоқайдликка айланганини, Исломдаги олижаноблик, Ҳақ учун фидокорлик эса тор маънодаги тарафкашликка, энгил ҳаётга интилишга айланганини кўрдим".

Олмонларнинг улуғ шоири Ҳёте бундай дейди: "Биз Оврупа миллатлари маданий имкони-миз юқори бўлишига қарамай, ҳазрати Муҳаммад сўнгги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи босқичидамиз, холос. Ҳеч шубҳа йўқки, бирон кимса бу мусобақада у зотдан юқорироққа ўта олмайди".

Шебол бундай ёзади: "Ҳазрати Муҳаммаднинг (у зотга Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин) одам боласи бўлганлари бутун инсоният учун улуғ ифтихордир. Чунки бу зот олий бўлишлари баробарида ўн тўрт аср аввал шундай қонун ва асосларни етказдиларки, биз оврупаликлар икки минг санадан кейин уларнинг қиймати ва ҳақиқатини англаб ета олсак, энг масъуд, энг саодатли насллар бўламиз".

Канадалик фалсафа доктори Жамол Бадавий бундай ёзади: "Ислом умуминсониятга туширилган мукамал диндир". Бизнингча, бу холис фикрларга қўшимча қилишга эҳтиёж бўлмаса керак.

Жаъфар АБДУЛМЎМИН

*Илк оятлар (*Алақ, 1-5*) нозил этилган жой.

МИЛЛАТ МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шу жумладан, виждон эркинлиги барча давлатлар Конституциялари каби Қомусимизда ҳам акс этган. "Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар" (VII) боби 31-моддасида: "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди", дейилган. Эътибор берсак, мазкур модда нафақат диний конфессиялар вакилларининг, балки ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиган шахсларнинг тенглиги ва тотувлигини ҳам таъминлашга хизмат қилиши назарда тутилган.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Муқаддас динимиз маънавиятимиз асоси эканини эътироф этиб, Президентимиз бундай дейдилар: "Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётигимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлимизни йўқотамиз"; "Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас Ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман". Бу эса фуқароларимизнинг аксариятини мусулмонлар ташкил қилган мамлакатда мусулмонлар билан бирга бошқа диндорларнинг эътиқод ва эркинликлари ҳимоя қилинишини ҳамда динимизнинг бағрикенглигини кўрсатади.

Қомусимиз нафақат демократик тамойилларга, балки минг йиллар давомида ривожланиб келган миллий маънавиятимиз асосларига ҳам таянади. Шаръий манбаларимизда динлар орасидаги муносабат тўла ҳуқуқий тарзда ҳал қилинган. Барчамизга маълум бўлган, Ислом халқаро ҳуқуқида алоҳида ўрин эгаллаган бир халқаро шартномани эслаш кифоя, у ана шу фикрларимиз исботидир. Халифа Умар (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) Қуддусни фатҳ қилишидан аввал насоролар Ислом давлати билан муросяга келиб, сулҳ тақлиф қилишди. Улар халифадан шартномада кафолатланганчалик эркинлик-



ни қуттишмагани сабабли бу ҳақда тортишиб ёки баҳслашмаганлари тўғрисидаги маълумотларни насоро (масихий) руҳонийининг ўзи эътироф этганлиги тарихий манбаларда келтирилган. Шартноманинг матни қуйидагича:

"Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Бу келишув Аллоҳнинг бандаси ва мўминлар амири Умарнинг Иля (Қуддус) аҳлига берган омонлик белгисидир. Умар Иля халқига, мол-мулкларига, черковларига, хоҳларига, шу ерлик бошқа миллат вакилларига омонлик беради. Черковларга биров кирмайди ва бузмайди, улар торайтирилмайди, ҳовлисига дахл қилинмайди, мулкига кўз олайтирилмайди. Уларга ибодатларини адо этишда зўрлик қилинмайди, ҳеч ким зарар кўрмайди. Иля аҳолиси ёнига бундан буён яҳудийлар келиб жойлашмайди. Иля аҳли бошқа шаҳарликлар каби жизя тўлайди. Ўзлари истасалар, ажнабийларни шаҳардан чиқариб юборишлари мумкин. Қуддуслик бўлмаган ҳар бир киши шаҳардан чиқиб, борадиган жойига боргунча жонига, молига омонлик берилади. Мусулмонлар бу омонликни тан олишлари ва унга риоя қилишлари лозим. Ажнабий бўлатуриб, шаҳарда қолишни ихтиёр қилганлар ҳам ерли аҳоли сингари омонлик олади, фақат улар ҳам жизя тўлайди. Иля аҳолиси билан бўлганлар румликлар билан кетмоқчи бўлса, ибодатхоналарини бўшатиб, хоҳларини олиб кетишлари мумкин. Уларга ҳам омонлик берилади ва мўминлар ҳимоясида бўладилар. Ажнабийлар истасалар, Иля халқи билан қоладилар ва улар бўйсунган қоидаларга риоя қиладилар. Истаган одам румликлар билан чиқиб кетавериши мумкин. Иляда қариндоши борлар шаҳардан ташқарида қолиб кетган бўлсалар, ичкарига киришга ҳақлари бор. Ҳосил йиғиб олинмагунча жизя талаб қилинмайди. Иля аҳли жизяни тўлаганларидан кейин Аллоҳ, Пайғамбар, халифалар ва мўминлар билан ўзаро келишган ҳисобланади.

Имзо: Умар ибн Хаттоб. Гувоҳлар: 1. Холид ибн Валид. 2. Амр ибн Осс. 3. Абдурахмон ибн Авф. 4. Муовия ибн Абу Суфён".

Шундан кўришиб турибдики, Ислом ўзгаларнинг эътиқодига нақадар эътибор берган. Лекин, "андишанинг отини кўрқоқ" қўяётган айрим конфессиялар вакиллари халқимизнинг содда, камтар, иш-

нувчанлигидан фойдаланиб қолишга уринмоқдалар. Мисол келтиришдан олдин модданинг қолган қисмини шарҳлашга ҳаракат қиламиз. 31-модданинг охирида бундай дейилган: "Диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди", яъни, "давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонданинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар".

Бироқ Конституциямизнинг мазкур моддасини бузиш ҳоллари ҳозир кўп учрамоқда. Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва шу каби катта шаҳарларимизда чет эл миссионерларининг ҳаракатлари авж олгани кузатиляпти. Улар тил ўргатиш, чет элга ўқишга юбориш баҳонасида ва "асосий" фаолиятларини хаспўшлаш мақсадида тил марказлари, маслаҳатхона ва шунга ўхшаш марказлар очиб, ғаразли мақсадларини амалга оширяптилар. Қизиғи шундаки, миссионерларнинг аксарияти ўзбек тилида яхши гапира олади, ҳеч бўлмаса тушунади. Диний маълумоти кам ё умуман бўлмаган ёки таъсирга берилувчан айрим фуқароларимиз, талабаларимиз моддий-маънавий қийинчиликларни рўқач қилиб, чет эл миссионерларининг ғаразли ниятларига алданиб қолмоқдалар, уларнинг найрангларига учмоқдалар.

Олдимизда давлатимиз мустақиллигини, муқаддас динимизни ҳимоя қилиш, қадриятларимиз ва у билан боғлиқ тарихий бой меросимизни келажак авлодга тўла-тўқис, бус-бутун етказиш масаласи кўндаланг турибди. Бунинг учун даъват нимаю миссионерлик нима эканини ажратиб олиш, кўчада ғаразли адабиётлар тарқатаётганларга бефарқ бўлмай, текшириб кўриш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни бундан хабардор қилиш лозим бўлади.

Бу хатти-ҳаракатларга бефарқ бўлсак, ёш давлатимизга қарши тайёрланаётган таҳдид-хуружлардан беҳабар қоламиз, уларга келажакимиз пойдевори бўлган ёшларни топшириб кўямиз. Бу фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вазифасигина эмас. Биз ҳам бунга бефарқ бўлмай, ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Биз мусулмонлар Қомусимиз кафолатлаган, таъминлаб берган модда ва қонунларни яхши билишимиз, динимизга, ақидамизга қарши хуружлардан огоҳ бўлишимиз лозим.

Абдулҳаким БОҚИЕВ,

Тошкент Ислам университети магистри

¹Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни, 5-модда.

²Каримов И. "Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда". 1999 й., 5-13-б.

³Аҳмад Лутфий. "Ҳазрати Умар", 2005 й., 115-б.

⁴Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни, 5-бет.

Исрофил ИСМОИЛ

Дуо қилинг

Ҳақ таоло насиб этса, ҳажга бориб,
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.
Кўздан ёшлар тўкиб пинҳон, кўнгил ёриб,
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.

Умид бирла Бобуссаломдан кирсангиз,
Муъаззам Каъбатуллоҳни кўрсангиз,
Мустажобдир Яратгандан не сўрсангиз —
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.

Байтуллоҳни тавоф этиб айланганда,
Бутун вужуд ишққа холис бойланганда,
Қора тошни ўпмоқ учун шайланганда
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.

Дунёда энг ширин шифо оби Замзам,
Кимки ичса, кўтарилай дарду алам,
Ҳақ зикридан гофил бўлманг бир лаҳза ҳам,
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.

Сайъ қилмоқ-чун Сафо тоғида турдингиз,
Қуръон ўқиб Марва томонга юрдингиз,
Кўк чироқлар орасида югурдингиз,
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.

Лаббайка, деб лак-лак ҳожи келгай Мино,
Чодирлардан ажиб шаҳар бўлмиш бино,
Бунда юрмоқ бандасига ажиб синов,
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.

Ҳаж аслида Арафотдир, бунда раҳмат,
Умнатларим чекмасинлар дея заҳмат,
Кўл кўтариб дуо этмиш Ҳаққа Аҳмад,
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.

Аллоҳ учун сўйсангиз гар қурбонликлар,
Топгайдирсиз балолардан омонликлар,
Эргашмасин изингиздан ёмонликлар,
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.

Қайтиб яна Байтуллоҳни айланг тавоф,
Ҳажни ўтаб, гўдаклардай бўлдингиз соф,
Энди асло бу тавбага қилманг хилоф,
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.

Ҳижрат қилди Расулulloҳ, муҳожирлар,
Олис юртга машаққат-ла оғиб қирлар,
Мадинага борсангиз, эй мусофирлар,
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.

Равзаи пок ичра бедор Расул акрам,
Ёнларида Абу Бакр ва Умар ҳам,
Салом айтинг боролмаган умнатлардан,
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.

Дуоларда қўшиб қўйинг каминани,
Нурли манзил — Ўзбекистон хур ватаним,
Шудир ҳаждан таассурот, англаганим,
Дуо қилинг, Буюк Аллоҳ қабул этгай.

Тошкент



Муҳаммад ЗАЙН

МУБОРАК ОЙНИНГ МУБОРАК КЕЧАСИДА

*Ўн тўққиз йилдан буён кўрмаётган кишининг
кўзлари қандай очилгани ҳақида*

Мисрнинг Луқсор шаҳри аҳолиси шу кунларда шаҳарларида содир бўлган бир илоҳий мўъжиза ҳақида гапирмоқда. Ҳамшаҳарларидан бири Ҳассоний Фаҳмийнинг кўзи ўн тўққиз йилдан буён кўрмас, вақтида Мисрнинг йирик шифокорлари ҳам унинг дардига даво топа олмай ожиз қолишган эди. Шу инсоннинг кўзлари яқинда бирдан очилиб, кўра бошлади. Рамазон ойида таҳажжуд намози ўқиб турган эди, бирданига кўзида нур пайдо бўлди ва қайтадан кўра бошлади! Йирик ҳозик табиблар бунинг ҳақиқий сабабини шарҳлаб, ойдинлаштириб беришлари лозим бўладиган ғаройиб воқеа рўй берди.

Ҳассоний Фаҳмийнинг

сўзларини эшитганлар ҳайратга тушиб, бундай савол беришмоқда: "Барча табиблар муолажа қилишдан ожиз бўлган бу кўрнинг кўзи ўз-ўзидан қандай қилиб яна бирданига кўра бошлаши мумкин?!"

Ғаройиб ҳодисанинг тафсилотини Ҳассоний Фаҳмийнинг ўзи бундай ҳикоя қилади:

"Бундан ўн тўққиз йил бурун қаттиқ бош оғриғи пайдо бўлиб, кучли алам сездим ва натижада кўзларим кўрмай қолди. Сўнгра

"ал-Қаср" кўз шифохонасига бордим, у ердаги шифокорлар қон томирларидан бирининг ёрилиши оқибатида бошимнинг ичида қон тўпланиб қолгани ва ушбу қон тўплами кўз асаб толаларини сиқиб қўйгани учун кўзим кўрмай қолганини тушунтиришди...

Шу йил рамазон кечаларининг бирида одатдагидек таҳажжуд намози ўқиш мақсадида масжидга бордим. Намозда қори Юсуф сурасидаги ҳазрати Юсуф (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) тилидан ўз акаларига қарата айтган: "Сизлар мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташласаларинг, унинг кўзлари очилур. Сўнг барча аҳли оилаларингиз билан бирга менинг олдимга келинг-

лар", деган (93) ояти каримани тиловат қилаётганини эшитдим. Бу ояти карима мени қаттиқ ларзага солди ва бирдан бутун вужудим титраётганини сездим. Намозда саждага борганимда кўзимдаги мавжуд қоронғуликни кетказиб, қандайдир нур пайдо бўлаётганини ҳис қилдим. Намозда дуо қилаётганимда эса кўзларим яна қайтадан кўра бошлаётганини сездим. Атрофимдаги намозхонларни кўра бошладим. Неча йиллардан бери кўрмаган болаларим ва оиламнинг чеҳраларини кўриш учун дарҳол уйга шошилдим".

Мисрлик бу одамда содир бўлган ғаройиб воқеа масжидда, намоздаги сажда вақтида, муборак Рамазон ойининг охириги ўн кунлигида ихлос билан дуо қилаётган пайтида содир бўлгани айниқса ибратли.

Луқсор шаҳри аҳолиси ҳамшаҳарларида содир бўлган бу ҳодиса Аллоҳнинг мўъжизаси эканига, Аллоҳ бандасининг бу муборак ойнинг муборак кечасида ихлос ила қилган дуосини ижобат этганининг самараси эканига сидқидилдан ишонмоқдалар.

Мен ушбу ғаройиб ҳодисани эшитишим биланоқ Аллоҳ таолонинг: "Менга дуо қилинлар, ижобат қилурман"; "Бандаларим мен ҳақимда сўрасалар, (уларга айтингки) албатта Мен уларга яқиндурман, дуо қилган бандамнинг дуосини қабул қилурман", деган мазмундаги ояти карималарини эслашдан ўзга нарсани хаёлимга келтира олмадим.

*Қувайтнинг "ас-Сиёса" газити,
2005 йил 3 нўябр сонидан
Зоҳиджон ҚОДИР
таржимаси*

КЕЧИРИМЛИ КИШИНИНГ ФАЗЛИ

Аллоҳ таоло гуноҳкор қулларининг гуноҳларини кечирувчи Зотдир. Кечиримлигининг қанчалик буюклигини Одам (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) тавбасини қабул этганидан ҳам билса бўлади... Аллоҳ бандаларини ҳам бир-бирларининг хато-камчиликларини, айб-гуноҳларини кечиришга буюрган: "...балки (уларни) афв қилиб, кечирсинлар! Аллоҳ сизларни мағфират қилишини истамасизларми?!" (Нур, 22); "(У тақводор зотлар) ...одамларнинг (хато-камчиликларини) кечирадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади" (Оли Имрон, 134); "Албатта, ким (ўзига етган озор-азиятларга) сабр қилса ва (ўч олмай Аллоҳ учун) кечириб юборса, шак-шубҳасиз, бу (иш) ишларнинг мақсадга мувофиқдир" (Шуро, 43).

Олий хулқли жаноби Пайғамбаримиз бу борада умматга энг катта ибрат бўлганлар. Ойиша онамиздан (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилинади: "Расулulloҳ (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) бирор кишини ё хотинларини ёки ходимларини қўллари билан урмадилар... Ва яна бирор киши томонидан ўзларига етган озор учун ўч олмадилар. Фақатгина Аллоҳ муҳтарам қилган нарса беҳурмат қилинса, Аллоҳ учун ўч олардилар" (Муслим ривояти).

У зотнинг ниҳоятда кечиримли бўлганлари ҳақида Ислом тарихида мисоллар тўлиб ётибди. Ухуд ғазотида сўзларига кирмай мусулмонлар мағлубиятига сабабчи бўлган бир гуруҳ саҳобийларни таъна-маломат қилмай кечириб юборганларининг ўзи ибратлидир. Бир умр мусулмонларга душ-

манлик қилиб, ҳатто Расулulloҳнинг бошларига оғир кунлар солган мушриклар раҳнамоси Абу Суфённи ҳам, Амир Ҳамзадай улуг саркардани ўлдирган Ваҳшийни ҳам кечириб юборганлари кечиримликликнинг олий намуналари ҳисобланади.

Ривоят қилинишича, бир аъробий Расулulloҳга етиб олиб, чопонларидан қаттиқ тортган, ҳатто чопон ҳошияси бўйинларида из қолдирган. Кейин: "Эй Муҳаммад, Аллоҳнинг молларидан менга ҳам бер", деган кўполлик билан. Расулulloҳ унинг муомаласидан кулиб кўйдилар. Ва унга бирор нарса бериб юборишни буюрдилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

Кечиримли бўлиш имондандир. Кечиримли киши хато ва камчиликларнинг илдизини синчковлик билан англайди ва уларни виждон тарозисида обдан, холисона ўлчайди, инсоф ва адолат ўлчовига амал қилади ва тўғри ҳукм чиқаради.

Алишер Навоий "Ҳайратул аброр"да ҳикоя қилишича, сахий бир подшоҳнинг кули бор экан, хизмат даражаси баковуллик экан. Кунлардан бир куни базм вақтида фалокат босиб, бир тошга қоқилибди, иссиқ ошни подшоҳнинг бошига тўкиб юборибди. Одамлар: "Подшоҳ энди уни ўлдирди, гуноҳига лойиқ жазо шудир!" дейишибди.

Шоҳ эса қулнинг хафалигини кўриб, гуноҳини кечириб-



ди ва уни озод қилиб юборибди. Шунда вазир дебди:

— Эй сахийликда бегараз шоҳ, унга тигдан бошқа нарса лойиқ эмас эди-ку?

Шоҳ завқ қилиб, лутф билан дебди:

— Хижолатнинг ўзи уни ўлдириб бўлди. Ҳеч ким ўлган ўликни бошқатдан ўлдирмаган, бошига жазо тигини тортамаган...

Кечиримли киши ҳасад, туҳмат, тама ва ёлғондан ҳазар қилади, жаҳолатдан ўзини сақлайди. Агар у жоҳилга дуч келиб қолса, қизишмайди, ғазабига эрк бермайди, гина, кек, адоват сақламайди.

Афсус, кундалик ҳаётда гоҳо ўта қаттиққўл ва ҳаддан зиёд мутақаббир, калондимоғ кишилар ҳам учраб туради. Ундайлар ўзгаларни ёмонлаш, тазйиқ ўтказиш, танбеҳ бериш ва жазолашни яхши кўради. Тирноқ остидан кир қидириб, кичик бир қусурни ўта бўрттириб кўрсатади. Ҳеч ким камчилик ва хатодан холи эмасми, демак, бировни ёмонлаш ёки ўринсиз жазолашдан олдин ўзини ҳам бир текшириб кўйсин, ўзининг камчилик-қусурларини ҳам тан олсин.

Зайниддин ИСОМУҲАММАД,
меҳнат фахрийи

АСЛ МУРУВВАТНИНГ ИЛДІЗИ ҚАЕРДА?

Диний бағрикенглик мусулмонлар истилоҳида "мурувват" дейлади. Бу тушунча кенг маънода чиркин нарсалар ва воқеалар қарши-сида гўзалликни устун қўйиб меҳрибонлик қилиш ҳамда ҳар бир воқеликка гўзаллик нуқтаи назаридан ёндашиш, эътиқод, маданият, анъаналарга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш демакдир.

Ислом азалдан инсониятга асл мурувватни, диндошларига, ҳатто ғайримуслимларга эҳтиром ҳамда бағрикенглик билан муносабатда бўлишни ўргатиб келган. Ислом ўзидан аввалги динлар (яхудийлик, насронийлик)ни шунчаки ҳурмат қилиш билан чекланмай, ўша дин аҳлларига чексиз мурувват кўрсатгани тарихдан маълум. Ҳақ-ҳуқуқларини қонун билан мустақкамлаб, эътиқод ва анъаналарига ҳурмат-эҳтиром билан қараган. Асрлар давомида бу қоидаларга амал қилиб яшаган мусулмонлар бир-бирларига ва ҳатто ораларида яшайдиган ажнабийларга, аҳли зиммага ҳам мурувватнинг мислсиз намуналарини кўрсатиб, бутун инсониятга ибрат бўлдилар.

Чунки бу нарса Аллоҳ таолонинг амри эди. Унинг расули умматга берган кўрсатма эди. Аллоҳ таоло марҳамат этади: **"Эй мўминлар, бирон қавми ёмон кўришингиз ҳаддингиздан ошишингизга тортмасин"** (*Моида*, 2); **"Ва барчаларингиз Аллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғлангиз ва (фирқа-фирқа бўлиб) бўлинмангиз!"** (*Оли Имрон*, 103); **"...Ораларингизда аҳду паймон бўлган қавмга келиб қўшилган ёки сизлар билан урушиш ҳам, ўзларининг қавми билан урушиш ҳам жонига тегиб, олдингизга кетган кимсаларга (тегмангиз!)"** (*Нисо*, 90). Расулulloҳдан (*у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин*) ривоят қилинган ҳадисда эса: **"Халқнинг барчаси Аллоҳнинг измидадир. Уларнинг Аллоҳга маҳбуроғи аҳлига наф берувчироғидир"**, дейилган (*Базор ривояти*); **"Ким аҳли зиммага* бирор заҳмат етказса, қиёмат куни мени ўзининг душмани сифатида кўради"** (*Аҳмад ибн Ҳанбал*, "Муснад").

Муравват, диний бағрикенглик Исломнинг тамал тоши эди, эътиқод ва динлар тарихидаги бир янгилик эди. Ислом илк давриданоқ собиқ динларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказмади, турфа мазҳаб ва мафкураларга қарши таассуб этмади. Ислом биринчи кунлариданоқ диний бағрикенгликнинг оламшумул шиорларини ўртага ташлади: барча самовий динлар бир манба, бир булоқдан сув ичади; ҳамма пай-

гамбарлар биродардилар, рисолатда улар ўртасида ҳеч қандай афзаллик йўқ; эътиқодга, динга мажбурлаш мумкин эмас; илоҳий диёнатларнинг барча ибодатхоналари ҳимоя ва мудофаа қилиниши керак; динлардаги ихтилофлар қотиллик ва адоватларга сабаб бўлмаслиги, яхшиликдан, силаи раҳмдан тўсмаслиги лозим.

Пайгамбаримиз Муҳаммад (*у зотга Аллоҳнинг сало-*

*Мусулмон эмас, лекин ҳимояси мусулмонлар зиммасида бўлган аҳоли.

ми бўлсин) бу борада Ислом умматигагина эмас, бутун инсониятга ибрат-намуна бўлдилар. У зот Мадинага ҳижрат қилганларида давлат ишларидаги биринчи амаллари ўша ерлик яҳудийлар билан уларнинг ақидаларини хурмат қилишга асосланган аҳднома тузиш бўлди. Жаноби Расулulloҳ аҳли китобдан бўлган қўшилари билан яхши муносабатда бўлар, ҳада бериб, улардан ҳам қабул қилар эдилар. Мадинага Ҳабашистон насронийларининг вакиллари келганида, уларни масжидга тушириб зиёфат бердилар ва хизматларини қилдилар. Ҳаттоки Нажрон насронийлари келганида, уларга масжиднинг бир томонида ибодат қилишга ижозат бердилар.

Дастлаб роҳиб бўлган англиялик тарихчи Карен Армстронг "Муқаддас уруш" китобида бундай ёзади: "Муҳаммад (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) фақатгина Макка мушриклари билан эмас, бир пайтнинг ўзида маҳаллий яҳудий қабилалари ва улар билан тил бириктириб ҳужумни режалаштирган Шом насронийлари билан ҳам урушишга мажбур бўлган эди. Аммо бу ҳол унинг қалбида душманларига нафрат туғдирмади, уни аҳли китобни (яҳудий ва насронийларни) лаънатлашга олиб келмади. Мусулмонлар ҳаётларини ҳимоя қилишга мажбур бўлишди, лекин ўз душманларининг динига қарши муқаддас урушга кирганлари йўқ. Бордию урушишга мажбур бўлиб қолишса, инсонпарварликни унутишмасди. Улар диний хизматчиларни, роҳибларни безовта қилишмасди, урушда қатнашмаётганларга, ожиз кишилар, аёллар, ёш болалар, кексаларга тегишмас, уларга зарар етказишмас эди. Улар тинч аҳолини ўлдиришмаган, бино ва уй-жойлардан ҳеч бирини вайрон қилишмаган".¹

Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) вафотларидан кейин бу зотнинг ишларини давом эттирган тўғри йўлдаги халифалар озод қилинган ўлкалардаги маҳаллий аҳолига, зиммат жамоаларига ва аҳли китобларга мурувват ҳамда бағрикенгликнинг олий намунасини кўрсатишди. Халифа Абу Бакр Сиддиқ (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) Шом фатҳига жўнаётган қўшинга бундай насиҳат қилган эдилар: "Болаларни, аёлларни, кексаларни ўлдирманг. Хурмо дарахтларига ўт қўйманг ва буталарни кесманг. Туяларни, бошқа ҳайвонлар подасини ўлдирманг... Сиз ўзга ишлар, охират дунёсига хизмат қилиш билан машғул одамларни учратасиз. Шунда уларни ўз ҳолига қўйинг..."

Иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) ўзга динлар вакилларига хайрхоҳлиги, меҳр-мурувват ва адолатпарварлиги би-

лан Ислом дунёсидан ташқарида ҳам маълум ва машҳур эди. Ҳазрат Умарнинг Қуддус ва Лудда насронийлари билан имзоланган хавфсизлик шартномасига мувофиқ шаҳардаги черковлар бузиб ташланмаслиги, мусулмонлар насронийларнинг ибодатхоналарини эгаллаб олмаслиги ва уларда ибодат қилмаслиги кафолатланган эди.

Бу зот Байтул Макдисга фотиҳ сифатида кириб "Қуддус ал-Кубро" черковида туришганида аср намозининг вақти кириб қолади. Кейинчалик мусулмонлар буни далил қилиб черковни масжид қилиб олишмасин, дея бу ерда намоз ўқимаганлар. Шаҳар фатҳ этилганидан кейин кўп ўтмай, Несториан патриархи Иешуйаб Иккинчи дўстига ёзган мактубида бундай сўзларни битган эди: "Худо ўзининг иродасини ато этган... бу араблар бизга ҳеч қандай зарар етказишмади. Ҳақиқатдан улар динимизга, руҳонийларимизга, черков ва узлатгоҳларимизга ҳурмат билан қарашди".²

Тарих давомида улкан ҳудудларни бошқарган мусулмон ҳукмдорлар бошқа динларнинг вакилларига фавқулодда ҳурмат ва бағрикенглик билан муносабатда бўлишган. Ислом давлатларида яшаган насроний ва яҳудий диндагилар ҳамини тўла хавфсизликда, тинч-осойишта яшаб келишган, диний маросимларини бемалол ўтказишган. Буни Фарб тарихчилари ва тадқиқотчилари ҳам, аҳли китобларнинг руҳонийлари ҳам очиқ тан олиб ёзишган. "Исломнинг ёйилиши" китоби муаллифи бундай фикр юритади: "Мусулмонлар қўл остида ўз динларига эътиқод қилишнинг беҳавотирлигини англаган христианларнинг туйғулари Кичик Осиё (Онадўли) насронийларининг салжуқий туркларни халоскорлар каби кутиб олишларига сабаб бўлган. Бунинг устига, императур Михаил Саккизинчи ҳукмронлиги даврида Кичик Осиёдаги насронийлар Византия империясининг зулмидан халос бўлиш умидида турклардан ўз давлатларига қўшиб олишни сўрашган".³

Эътиқодлари учун таъқиб, ўлим ва ваҳшийликларга дучор қилинган, кейинчалик Испания, Португалия католик ҳукмдорлари томонидан қувғин қилинган яҳудийлар Усмонли салтанат ерларида ором-осойишталик топишди. Султон Боязид Иккинчи 1492 йили Испаниядан қувғин қилинган яҳудийларни қўл остидаги Эдирна, Ливадия, Тархала шаҳарларига жойлаштирди. Турон ерлари ҳукмдори Амир Темур ҳам салтанатига қарашли барча шаҳарларда ғайримуслим фуқароларга эркин яшаш, динлари ва урф-одатларига бемалол амал қилиш ҳуқуқини бериб қўйган эди.

Ислом мамлакатларида яшовчи ғайримуслим

¹Caren Armstrong. "Holy War", London, 1987.

²Ҳорун Яҳё. "Ислом террорни лаънатлайди", Т. 2003.

³Tomas Arnold. "The Preaching of Islam", London, 1966.

халқлар арзимас солиқ (жизя) тўлаш эвазига мусулмон ҳукмдорларнинг ҳимоясида бўлишарди. Шу ўринда Ислом ҳазорасида машҳур бўлган бир воқеани келтириб ўтиш жоиз: "Музаффар Ислом лашкарлари Дамашқ, Ҳумс ва Суриянинг бошқа шаҳарларини фатҳ этган пайтда ерли аҳолидан уларни ҳимоя ва мудофаа этиш эвазига солиқ (жизя) олишди. Рум императури Хирақл улар билан ҳал қилувчи жангда тўқнашиш учун катта кўшин тўплаётганини эшитган кўмондонлар фатҳ этилган шаҳарларни ташлаб чиқиб, Румга қарши урушиш учун кучларни бир жойга тўплаш керак, деган қарорга келишди. Холид ибн Валид Ҳумс аҳлини, Абу Убайда Дамашқ аҳлини, бошқа кўмондонлар қолган шаҳарларнинг аҳолисини йиғиб: "Биз сизларни ҳимоя ва мудофаа қиламиз, деб молларингизни олган эдик. Ҳозирда эса сизларни ҳимоя қилишга қодир эмасмиз. Мана сизлар берган моллар, қайтариб олинглар", дейишди. Ўша шаҳарларнинг аҳолиси: "Аллоҳ сизларга зафар ато этсин. Аллоҳга қасамки, сизларнинг ҳукм ва адолатингиз Румнинг жабр-зулмидан яхшидир. Аллоҳга қасамки, улар сизнинг ўрнингизда бўлишганида олган нарсаларни асло қайтариб беришмасди", дейишди кўмондонларга".⁴

Усмонли салтанат султони Муҳаммад Фотихнинг бутун шарқда православ патриархи қароргоҳи бўлган Кустантанияни эгаллагандаги манзара ҳали тарих саҳифаларидан ўчгани йўқ. Ўша куни мусулмонлар султони барчаси насроний бўлган аҳолига моллари, жонлари, эътиқодлари, черков ва хочлари омонда эканини эълон қилди ҳамда уларни аскарликка олинишдан озод этди. Уларнинг раисларига қонунчиликда ва қавмлари орасида чиқадиган турли даъволарни давлатнинг аралашувисиз, ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқини берди.

Ғарбликлар милодий 1920 йилгача яҳудийларни камситиб келишган. Ўша йиллари амриқоликлар: "Ижарага уй бор, аммо яҳудийларга эмас", деб эълон ёзиб қўйишарди. Амриқолик Манхэттен-Бич, Кони Айслэнд тугул, Нуй Йўрк, Нуй Жерси каби йирик шаҳарларидаги вилла ва дала ҳовлилари кираверишидаги тахтачаларга "No Jews or Dogs Admitted Here", яъни, "Яҳудийлар ва итлар киритилмайди", деб ёзиб қўйилар эди. Ана шу шармандаликлардан 539 йил илгари мусулмон ҳоқони Фотих Султон Меҳмед: "Мен яҳудий фуқароларимни ховра(синагога)да, насроний фуқароларимни черковда, мусулмон фуқароларимни эса жомеъда кўришни истайман", деб баёнот берган эди!⁵

Ислом ўлкаларида ақидаси ва мазҳабидан қатъи назар, лойиқ кишиларга вазифалар бериш ҳам бағрикенглик ва муруватнинг кўринишларидан эди. Умавий ва аббосий халифалар замонида масиҳий табиблар ва олимлар Бағдод

ва Дамашқнинг тиббиёт мадрасаларига бошчилик қилишган, саройда хизматда бўлишган. Насроний табиб Ибн Асол халифа Муовиянинг хос табиби бўлган. Марвон эса Исносиюс (Исҳоқ) исмли яҳудийни Мисрда ҳукумат мансабига тайинлаган. Жиржис ибн Бахтяшу исмли машҳур табиб халифа Мансурнинг саройида хизмат қиларди. Закои Кўнрапанинг "Ҳазрати Пайғамбаримиз ва Ислом дини" китобида келтирилишича, аббосий халифалардан Маъмун Шом мадрасасига бир насроний муаллимни ишга тайин қилди. Буни кўрган устозлар эътироз билдиришди. Шунда Маъмун: "Мен бу одамни дин ишларида раҳбарим бўлсин деб эмас, бир фан муаллими ўлароқ келтирдим", деб жавоб берган эди.⁶

Бу ҳақда Ғарб тарихчиларининг ўзлари ҳам кўплаб ҳолисона фикрларни ёзиб қолдиришган. Сэр Марк Сойис халифа Ҳорун Рашид замонидаги исломий салтанатни таърифлаб: "Масиҳийлар, бутпарастлар, яҳудийлар ва мусулмонлар ҳукумат хизматида баробар ишлашарди", деб ёзади. Леви Бротский ўзининг "Ўнинчи асрдаги исломий Испания" китобида мана буларни ёзади: "Шартнома котиблари кўпинча яҳудий ёки насронийлар бўлишарди... Улар давлатнинг идоравий ва ҳарбий соҳаларини тасарруф этишарди. Яҳудийлардан баъзилари Ғарбий Оврупа давлатларидаги элчихоналарда халифалардан ноиб, ўринбосар эдилар". Рино арабларнинг Оврупага юришлари ҳақида бундай фикр юритади: "Мусулмонлар Андалус шаҳарларида насронийларга яхши муомалада бўлишарди. Шунингдек, насоролар ҳам мусулмонларнинг иззат-шуурларини ҳурмат қилиб, фарзандларини хатна қилдиришар, чўчка гўшти ейишмас эди".⁷

Нигоҳларимизни шарқдан ғарбга кўчирадиган бўлсак, тамоман бошқача манзарани кўра-миз. Ғарб тарихи мусулмонларга муносабатда мисли кўрилмаган хунрезликларга, камситиш ва хўрлашларга тўладир. Айниқса, мудҳиш ва қонли салиб (хоч) урушлари энг мудҳиш жиноятлардан бўлган. Оврупа насронийлари ўн биринчи аср охиридан бошлаб мусулмонлар ва бошқа халқларнинг бошига чексиз кулфатлар ёғдирди, минглаб бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкди, обод шаҳарларни вайронага айлантирди. 1095 йили биринчи салиб урушини бошлаган Рим папаси Урбан Иккинчи Осиё ва Шом ўлкаларини қонга ботирди. Франса қироли Людовик Еттинчи билан Олмония ҳукмдори Конрад Учтинчи бирга-лиқда иккинчи ва учинчи салиб юришларига бош бўлишди. Тўртинчи юришни папа Иннокентий Тўртинчи бошқарди. 1217-21 йиллардаги бешинчи салиб юришида олмон, можор, инглиз, ҳолланд аскарлари Дамашқ ва Нилнинг куйи ҳавзасига вайроналик-кулфат олиб боришди. Олтинчи

юришда раҳнамоликни олмон импертури Фридрих Иккинчи зиммасига олди, катта қўшин билан Қуддусни тор-мор этиб, Дамашққача кириб борди. Еттинчи ва саккизинчи хоч юришларини эса фаранг қироли Людовик Тўққизинчи уюштирди ва Тунисда вабога учраб ўлди.⁸

Салибчилар қадами етган жойга даҳшат, шафқатсизлик, кулфат олиб боришди. Мусулмонлар қўл остида бўлганида тинч, барқарор, муслимлар ва аҳли китоблар аҳил яшаган Қуддус ваҳшийлик ва қонхўрлик майдонига айлантирилди, мусулмон ва яҳудийлар аёвсиз қиличдан ўтказилди. Насроний тарихчилардан бирининг ёзишича, улар шаҳарда учратган барча арабларни ва туркларни... эркак ва аёллигига қарамай, ўлдиришди, ҳеч нарсани ҳисобга олмай ёппасига қиришди.

Салибчилардан Раймонд Агилскийнинг йилномасида мана бундай мазмундаги мақтанчоқлик билан битилган ёзувлар бор эди: "Айрим одамларимиз душманларининг калласини сапчадек узишди, бошқалари эса уларни найза билан тинчитишарди. Аскарларимиз ганимларини тириклай ўтга ташлашар, кейин узоқ қийнаб, секин ўлдиришар эди. Шаҳар кўчалари танасидан узилган калла, қўл-оёқлар ғарамига тўлиб кетган эди. Ана шу тана аъзолари ва каллаларга қоқилмасдан кўчада юриш мушкул эди... Сулаймон подшоҳ ибодатхонасини олдида тўкилган қон дарёси одамларимизнинг тиззасидан юқорироққа чиқиб кетди".⁹

Йилномалардаги маълумотларга қараганда, салибчиларнинг қўшинлари шаҳарда икки кун ичида 40 мингга яқин мусулмон ва яҳудийни ёвузларча қиймалаб ўлдиришган. Уларнинг ваҳшийлиги шу даражага бориб етдики, тўртинчи салиб юриши чоғида ўз диндошларига қарашли Қустантания (Константинополь) шаҳрини ҳам талон-тарож қилишди. Шаҳар черковларига ички безак қилинган олтин зийнатларни, қимматбаҳо тошларни кўчириб олиб, ташиб кетишдан ҳам ҳазар қилишмади.¹⁰

Қуддус аҳолиси қуббасига омонлик байроғи ўрнатилган Ақсо масжидига тўпланганида салибчилар бегуноҳ қариялар, аёллар ва болаларни қўй бўғизлагандек каллаларини узишди. Солномачиларнинг ёзишича, масжид ичида ўлди-

⁴Мустафо Ҳусний ас-Сибаяи. "Ислом ҳазораси ажойиботларидан", Байрут, 5-нашр, 1987.

⁵Neeat Kotan. "Tarih Fikralari", Istanbul, 1988, 80-s.

⁶⁻⁷Аҳмад Муҳаммад, Мубашшир Аҳмад. "Ислом ҳазораси". Тошкент, 2004, 39-55-бетлар.

⁸Чингиз Айтматов, Мухтор Шохонов. "Чўққидан қолган овчининг оху зори", Тошкент, 1998, 331-332-бетлар.

⁹⁻¹⁰Ҳорун Яҳё. "Ислом террорни лаънатлайди", Тошкент, 2003, 38-бет.



рилганларнинг сони етмиш мингга етди. Уларнинг ичида аёл ва гўдақлардан ташқари имомлар, обид ва зоҳидлар жамоаси ҳам бор эди. Бу ваҳшийликларни бугун Ғарб тарихчиларининг ўзлари ҳам инкор этишмайди.

Мана шу хунрезликлардан тўқсон йил ўтиб, Қоҳира султони Салоҳиддин Аййубий Қуддуси шарифни қўлга олди. У ўша пайтда шаҳарда бўлган юз мингдан ортиқ ғарбликнинг моллари ва жонларига омонлик берди. Қодир бўлганларига тўлашлари учун арзимас маблағ (фидя) белгилаб, ҳаммаларига шаҳардан чиқиб кетиш учун қирқ кун муҳлат тайинлади. Фақирлардан қўпини фидясиз қўйиб юборди. Фотиҳ Салоҳиддиннинг акаси Одил подшоҳ фақирлардан икки мингга ёнидан фидя тўлади. Султон фаранг патриархига шаҳардан чиқишни хоҳласа, ўзи билан Сахро, Ақсо, Қиёмат ибодатхоналарининг беҳисоб бойликларини олиб чиқиб кетишига ижозат берди.

Андалусия мусулмонлар қўлига ўтгач, милёнлаб ерли аҳоли ўз истаги билан Исломни қабул қилди. Мусулмон бўлмаганлар ҳам тинч-осойишта, эркин-эмин умргузаронлик қилишди. Кейинчалик тарих гилдираги эврилиб, бу ўлкани яна салибчилар ишғол этишди. Улар бирорта мусулмонни қолдирмай тигдан ўтказишди ёки ҳайдашди, масжидларни бузиб ташлашди, исломий китобларни йўқ қилишди. 1542 йили папа Испаниядаги барча масжидларни канисаларга айлантириш ҳақида буйруқ чиқарди.

Ҳиндистон Англиянинг мустамлакаси бўлганида велосипед ҳайдаб кетаётган инглиз қизга ҳурматсизлик қилишгани учун аскарлар етти юз аҳолини ўша жойнинг ўзида отиб ташлашган. Бу ҳам камлик қилгандай вилоят губернатори бугун шаҳар аҳолисини бир неча кун фақат эмаклаб юришга мажбур қилган. Ундан нега бундай буйруқ берганини сўрашганида, "Улар

худоларига ишонишади, аммо битта инглиз аёли уларнинг худосидан олийдир", деб жавоб берган.

Яна бир тарихий воқеага эътиборингизни жалб этмоқчимиз. Фарбликларнинг ўзлари эътироф этишларича, салиб юришлари саркардаларининг энг улуғ ва шижоатлиси Шерюрак Ричард касал бўлиб қолганининг хабари Салоҳиддин Аййубийга етиб келади. У Ричардга хос табибини дори-дармону салибчи саркарда топиши мушкул бўлган мева-чевалар билан жўнатади. Бу пайтда улар ўртасида уруш қизиган, қўшинлар жанг қилаётган эди. Ҳамда Англияда халқ қаҳрамонига айланган ўша Шерюрак Ричард 1119 йилги учинчи салиб юришида Фаластин заминидagi Аккон (Акра) қалъасини эгаллаганидан кейин товон тўлаш ва сулҳ таклифларининг бирортасига кўнмай, шаҳардаги уч минг мусулмонни, аёллар ва болаларни ҳам қўшиб, қатл қилишга буйруқ берганини шаҳарни озод қилган Салоҳиддин қўшинлари ўз кўзлари билан кўришган эди. Бундан ортиқ мурувват ва бағрикенгликни тарих қачон кўрибди?!¹¹

Мўғул-тоторлар билан Шомда бўлган урушда уларнинг қўлига мусулмон, насоро, яҳудийлардан жуда кўпчилик асир тушиб қолди. Шунда ўша давр шайхулислом мўғулларнинг амири билан асирлар ва уларни озод қилиш бўйича музокаралар олиб борди. Амир у кишига насоро ва яҳудийларни қолдириб, фақат мусулмон асирларни озод қилишини айтди. Шайхулислом бу таклифдан бош тортди ва: "Кўлингдagi аҳли зимматдан бўлган яҳудий ва насороларнинг ҳаммасини озод қилишинг лозим. Биз аҳли миллатдан ҳам, аҳли зимматдан ҳам бирор асирни қолдирмаймиз", деб жавоб берди.

Мусулмонлар ҳеч қачон тинч аҳолига қарши ҳарбий куч ишлатишмаган. Ҳатто мағлуб салибчиларнинг қўшинларига нисбатан ҳам асло жазо ва шафқатсизлик қўлланилмаган. Чунки Ислом тинчлик, омонлик динидир. У зўравонлик, зиддиятлар, урушлар ва террорни тағ-томири билан йўқотиш йўлидир. Ер юзида адолат, тинчлик, муравват ва диний бағрикенглик кафолатидир.

Тарих шоҳид, Ислом инсониятга бағрикенглик, мурувват, адолат, раҳм-шафқат ва халқлар ўртасида ўзаро хурмат, аҳиллик олиб келган ягона диний низом бўлди. Буни ҳатто Исломга хайрхоҳ бўлмаган Фарб олимларининг фикрлари ҳам тасдиқлаб турибди. Густав ле Бон бундай дейди: "Албатта, халқлар араблардек раҳмдил ва бағрикенг фотиҳларни, динларидек самоҳатли — эркин динни кўрмаган".

Бу сўзлар мусулмонларга инсоф қилишдан кўра ҳақиқатга инсоф қилиш эмасми?

Аҳмад МУҲАММАД

РАҲИМ

Муаззам Тошкентнинг Мустақиллик майдонида қутлуғ байрамга тайёргарлик кўрилаётган кунлар эди. Ишдан чарчаган пайтим, негадир Анҳор бўйига боргим келаверди. Билмадим, бу истак она қишлоғим Водилни соғинишданми, Шоҳимардонсойни қўмсашданми...

Анҳорда чўмилаётган болаларни томоша қилиб, хаёлга берилибман. Ногоҳ ўгирилиб, ўн қадамлар чамаси нарида мен томон келатган Тўхтабой полвонга кўзим тушди. Қучоқлашиб кўришдик. Етмишни қоралаб қолган бўлса ҳам, қомати тик, нигоҳи ўткир эди. Бироқ бу гал кўзларида қандайдир мунг сезилди. Фейл-атворини биламан-ку, қанча оғир кунларни бошидан кечирган. Менга полвонлик илмидан кўп сабоқлар берган. У кишининг кўзларига қараб, нима демоқчилигини дарҳол фаҳмлар эдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Ошна-оғайнилар соғлигини, тинчлигини суриштирдим. Ниҳоят, Тўхтабой ака айтолмай турган гапини айтди:

— Полвон, Раҳим акангиз бандалик қилди, маъракасини ўтказиб келяпман.

— Аллоҳ раҳмат қилсин, — дедим юзимга фотиҳа тортиб.

Хаёлим Жалолободнинг Арслонбоб қишлоғига — машҳур чавандоз Раҳим полвоннинг юртига учди.

...Раҳим полвон эликдан ўтганида биринчи марта касал бўлди. Бўлганида ҳам "сариқ" бўлди. Одам танасида жигарнинг нечоғлик муҳимлигини ўшанда билдим.

Полвоннинг ётиб қолганини эшитиб, Арслонбобга кўргани бордим. Анчагина сўлиб қолган Раҳим ака сандал четида ўтирган экан. Мени кўриб, турмоқчи бўлди, унамадим. Ёнига чўкиб, кучоқлашиб кўришдим.

— Одамларам қизиқ-да, Раҳим ака қаттиқ ётибди, дейишса, ишонибман, туппа-тузуксиз-ку, — дедим кўнгилларини кўтариб.

— Сизни алдашмабди, чиндан ҳам аҳволим ёмон эди. Анча тuzалганим бу, ука.

— Нима бўлди ўзи?

— Э, сўраманг. Дард мени, мен дардни синаб кўрдик-да. Лекин биринчи марта енгилдим. Енгилганда ҳам ёмон енгилдим. Бир ой олдин кўрганингизда танимас эдингиз. Қувват кетиб, ҳатто ўрнимдан турсам, бо-

¹¹Хорун Яҳё. "Ислом террорни лаънатлайди", Т., 2003, 72-б.

ПОЛВОННИНГ ҚАНОТИ

шим айланадиган бўлиб қолди. Қаттиқ ўксиндим. Ўзинг полвон қилдинг, яна ўзинг хор қилиб қўясанми, деб Яратганга йиғладим. Оғир ўйлар оғушида ухлаб қолибман. Тонгга яқин туш кўрдим: бир қоя эмиш, қоя бўлганида ҳам тик ва жуда баланд. Харсангтошларга осилиб, тепароғига чиқиб олдим. Шу пайт қоядаги тошлардан бирида кўзлар очилди. Ажабланиб сўз қотдим:

"Нега менга Худо дард берди? Нега қувватимни олиб қўйди?"

Жавоб берди:

"Сен полвон бўлиб туғилдинг. Менга айт, бирон марта сени биров хафа қилдими?"

"Йўқ".

"Биронга полвондан енгилдингми?"

"Йўқ".

"Хаётингда ҳеч қийинчилик кўрдингми?"

"Йўқ".

"Бирон марта шукр қилдингми?"

"..."

Уйғониб кетдим. Кун энди ёриша бошлабди. Ташқарига эмаклаб чиқиб, таҳорат олиб, ибодат қилдим. Ишонасизми, шу кунгича кучга кириб, ҳаркат қила бошладим. Энди деворларга суяниб юряпман. Полвонларнинг феъли ўзингизга маълум. Ўғлимга ё аёлимга етаклаштишга ор қилдим. Отимни эгарлаб, эгар қошидан тутдим-да, отга етаклатдим. — Раҳим ака мийиғида кулиб қўйди. — Хуллас, отим билан сайр қилдим. Мен уни қашладим, эркаладим, у мени етаклади. Аёл киши-да, келинаангиз отга рашк қилиб: "Мунча шу отингизга ёпишиб қолди-

нгиз", дейди. "Бу от эмас, бу тулпор, тентак, бу менинг қанотим", дейман аёлимга...

Раҳим полвоннинг ўшандаги овози шундоққина қулоғим остида жаранлагандай бўлди...

Тўхтабой аканинг гапи мени хушимга келтирди:

— Ука, ҳаммамиз ҳам бир кун ўламиз. Борадиган еримиз бир, — деяётган эди у.

— Яхши эди-ку, нима бўлди ўзи? — деб сўрадим.

— Оғир юк кўтарманг, дейишган экан. Қайси полвон юк кўтармай, ўзини синамай яшай олади. Кейинги қайтовлаганда оғир бўлди. Полвон шу дард билан оламдан ўтди. Маърака-сига бордим. Арслонбобликларнинг ғалати одатлари кўп. Маъракада от сўйишади. Қон чиқариш учун фотиҳа беришга мени ташқарига чақаришди. Боқувдаги отлардан семизроғини етаклаб чиқишди. Шу пайт отга кўзи тушган Раҳим полвоннинг беваси:

"Уста, шу отни сўймоқчимизлар?" деб сўраб қолди.

Мен кичикроғини танлашимиз керак экан-да, деб хижолат тортиб:

"Удум шунақа экан, нима, сўймай қўяқолайликми?" десам,

"Йўқ, йўқ, сўяверинглар. Фақат миниб юрган отини сўйинглар", деди.

"Ахир, қизим, бу улоқчи от бўлса, увол кетмайдими? Мингиларинг келмаса, сотинглар, бунинг пулига оддий отлардан тўрттасини беради, бирор кунларингга яраб қолар", дедим. Келин қоматини яна ҳам тик тутиб:

"Йўқ, сотмаймиз! Мен бегим минган отни ҳеч кимнинг тагида кўришни истамайман, сўяверинглар!" деди. Овози сал қалтираб чиқди... Эҳ, полвон. Билмаган эканман, шогирдимнинг аёли ҳам полвон экан.

Тўхта полвон кураш ва кўпкарида чиқиб-синавериб дағаллашиб кетган муштининг орқаси билан кўз ёшларини артди.

Раҳим полвонга ҳавасим келди.

Турсун Али МУҲАММАД



Аъзам ИСМОИЛ

Покиза ҳаёт бер...**Муножот**

Бу дунёнинг роҳатини туйдим-ку,
 Азоблари, ғамларида куйдим-ку,
 Фароғати, заҳмати суйдим-ку,
 Не қилсам-да, тоғ-тоғ гуноҳ уйдим-ку,
 Ё Раббано, сарсондирман, оч йўлим,
 Покиза ҳаёт бер, роҳатбахш ўлим.

Бу не синоатдир, бунда ҳикмат —
 Шодлик қайда бўлса, шунда укубат,
 Меҳр улашганлар вафо кўрарми?
 Жафо топар гоҳо меҳрибон. Фақат...
 Раҳмон ўзинг, ё Рабб, ожиз бу қулинг,
 Покиза ҳаёт бер, роҳатбахш ўлим.

Дунёда топмадим, андуҳдин хўброқ,
 Савоб кам қилдим-у, гуноҳим кўпроқ,
 Не қор содир ўлди, ўзинг эт ҳисоб,
 Балким кўп кулдим-у, кўзда ёш йўқроқ.
 Тарозуда савоб-гуноҳим — умрим,
 Покиза ҳаёт бер, роҳатбахш ўлим.

Кўнгилнинг раъйига кўндингми инсон,
 Ул шайтон улфати даврон истагай.
 Бул истак кўйида олма, берма жон,
 Ул Ёр ҳам васлини душвор айлагай.
 Оввораи жаҳон, садпора кўнглим,
 Покиза ҳаёт бер, роҳатбахш ўлим.

Саодат манзилин кўзладим, ё Рабб!
 Насиб эт тилимга тақво, қироат.
 Буюк каломингни дилларга жойлаб,
 Етти пуштимни то қилдир ибодат.
 Китобим ўнгдан бер, сўндирма нурим,
 Покиза ҳаёт бер, роҳатбахш ўлим.

Сен борсан абадий, боринга шукр.
 Мен зорман, берган шу зоринга шукр.
 Сени деб чекибман озор, раҳм қил.
 Жамолинг ишқида хоринга шукр.
 Нечук шукр қилмай яшнаса гулим,
 Покиза ҳаёт бер, роҳатбахш ўлим.

Менга душман соғинса завол,
 Мен-чи унга тилайман камол.
 Арз қилмасман ҳеч кимсага ҳол
 Бажо айлаб беш вақтли фарзин,
 Яратганга қилурман таъзим.



Ароқхўрлар қилурлар базм,
 Бу қанчалар гуноҳи азим.
 Этолмасман буни ҳеч ҳазм.
 Бажо айлаб беш вақтли фарзин,
 Яратганга қилурман таъзим.

Оғриб қайтса кўчадан дилим,
 Ғаним менга тиласа ўлим,
 Менинг фақат биттадир йўлим:
 Бажо айлаб беш вақтли фарзин,
 Яратганга қилурман таъзим.

Ёғдирсалар тухмат тошини,
 Ёрса агар бу тош бошимни,
 Оқизмайман кўздан ёшимни
 Бажо айлаб беш вақтли фарзин,
 Яратганга қилурман таъзим.

Сен дўст дейсан, дўст қани дунда?
 Гийбатингни қилади кунда,
 Шукр қилгин, нолима шунда...
 Бажо айлаб беш вақтли фарзин
 Яратганга қилавер таъзим.

Фарғона

**Йўлдош БАҲРИН****Қиш манзаралари**

Дарахтларнинг таққани
 Маржонмикан, дурмикан?
 Ҳовузларда балққани
 Ойнами, биллурмикан...

Ариқлар кучоғида
 Ялтирайди оқ мрамар,
 Эрийди ёноғингда
 Ҳарир капалакчалар...

Қор узра сон-саноқсиз
 Юлдузчалар учқуни,
 Паст-баландга бир хилда
 Сочмиш қандай куч уни?..

Дилга инар оқ шарор —
 Қадамларнинг "ғарч-ғурч"и.
 Балки тасбеҳ айтар қор,
 Қалб билан тинглаб кўр-чи...

Иштихон

Эрназар ТОПИЛ

Илҳом олдим Куръондан

Дилимга илҳом бер, меҳрибон Эгам,
Таъсирли ҳикматдан сўзласин тилим.
Шеър билан ҳақ сўзни етказа олсам,
Шоядки Зотингни таниса элим.

Маърифат нурини сочгин бизларга,
Музлаган қалбларни эритсин имон.
Инсоф бер, тавфиқ бер ўғил-қизларга,
Куфру залолатдан бўлсинлар омон.

Жаҳоннинг мулкани этсанг ҳам ишғол,
Сарф этма ноўрин жойга бир мисқол.
Шўрхокка, тошлоққа уруғ сепса ким,
Хирмон кўтаролмас, меҳнати увол.

Мусулмон аталдик, муборак бу ном,
Қордан ҳам оппоқдир Ҳақ берган мақом.
Оқда кўрингандек арзимас бир доғ,
Энг кичик хато ҳам келтирар дашном.

Шеър ёзишдан мақсадим

Гумроҳ эдим билимдан йироқ,
Ҳаловатни топдим Исломдан.
Олимларга бўлдим дўст-ҳамроҳ,
Дилим илҳом олди Куръондан.

Билганларим билмас ҳам билса,
Шеър ёзишдан мақсадим ҳам шу.
Шояд Раббим иноят қилса
Дўстлар мингдан ошса ҳам оз-ку.

Мардлар ғолиб, номард энгилсин
Беҳикмат сўз дема, эй тилим.
Бунда тавфиқ ва имон берсин
Унда Аллоҳ десин: "Бу кулим!"

Солиҳ фарзанд ўстирган ота
Оча кетар савоб эшигин.
Икки дунё бахтлидир она,
Тебраторлса одоб бешигин.

Ўзим ёлғиз, икки нафсим икки шер,
Курашаман умрим бўйи тўкиб тер.



Озга тўймас, сўз тингламас қайсарлар —
Шайтон алдаб, не буюрса маъкул дер.

Пайғамбар умматин ғамини еди,
"Иннамал муъминуна ихваҳ..." деди.
Ҳар кимда қардошлик ҳисси уйғонса,
Бу олам бўстонга айланар эди.

Ер талашиб

"Бизнинг ер" деб талашди кўплар,
Аямайин отишди ўқлар.
Эга бўлмай ўзларин еди,
Ерлар қолди, улар-чи? Йўқлар.

Яна талаш, яна "бизнинг ер!"
Қайси мағлуб, қайси ғолиб, зўр
Жанжаллардан қутулайин деб
Золимларни ер ҳам тўймай ер.

Муслим ерни омонат билди,
Ризқин терди, хўб обод қилди.
Ҳамду шукр деб Раббисига,
Имон-эъзоз билан кўмилди...

Оқкўрғон

**Гулшан РАҲИМ****Ҳақиқат**

I
Ҳақиқат
Пичоқдай
Юракка санчилиб турса,
Нима қилардим...
Йўқ...
Ҳақиқат содда,
Ҳақиқат хоксор
У ҳеч кимга зулм ўтказмас.

II
Ҳақиқат хазина —
Дунёларга зарра-зарра
Сочилиб кетган.
Ким уни мисқол-мисқол
Йиға олар,
Ким?..

III
Ҳақиқат тили содда, равон санъатдир.
Аммо унинг ҳикмати
Файласуфни адаштиради.

Уреут

Динимиз кишиларни юксак ахлоқ, чинакам инсоний фазилатларга тарғиб қилиш баробарида кичикларга раҳм-шафқатли, марҳаматли бўлишга, ҳаттоки ёш болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳам ҳимоя этишга чақиради. Пайгамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг саломли бўлсин) "жаннат райҳонлари" деб эъзозлаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари исломиятда ҳар томонлама муҳофаза этилгандир.

Қуръони каримдан:

"Оналар болаларини тўла икки йил эмизидилар. (Бу ҳукм) эмизишни бенуқсон қилмоқчи бўлган кишилар учундир. Уларни яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир" (Бақара, 233).

"(Эй инсонлар), болаларингизни йўқчиликдан кўрқиб ўлдирмангизлар — уларга ҳам, сизларга ҳам биз ўзимиз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириш, шак-шубҳасиз, катта хатодир" (Ал-Исро, 31).

БОЛА ҲУҚУҚИ У ТУҒИЛГАН КУНДАЁҚ КУЧГА КИРАДИ

"(Қўл остингиздаги) ақлсиз кимсаларга (яъни, ёш, нодон етимларга) Аллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни (яъни, қўлларингиздаги уларнинг молларини) бериб қўйманг, балки уларни ўша моллардан едириб-кийдириш ва уларга яхши сўзлар билан муомала қилинг" (Нисо, 5).

"Қачон бировларига қиз (кўргани ҳақида) хушxabар берилса, газабга тўлиб, юзлари қорайиб кетар. Ва у (қизни) хўрлаган ҳолида олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушxabар берилган нарсанинг (яъни, қиз кўришнинг) "ёмон" лигидан (номус қилиб) одамлардан яшириниб олур. Огоҳ бўлингизким, улар (бу қилмишлари билан) энг ёмон (яъни, ноҳақ) ҳукм чиқарурлар" (Наҳл, 58-59).

Ҳадиси шарифдан:

"Аллоҳ таолодан кўрқинглар ва болаларингизга адолат қилинглар" (Муслим ривояти).

"Кимнинг учта (бошқа бир ривоятда: иккита) қизи бўлиб, уларни тарбиялаб катта қилса

ва уларга марҳамат назари билан қараса, жаннатга кириши муқаррардир" (*Бухорий ривояти*).

"Аллоҳ таоло Куръони каримда яхши бандларни "аброр" деб мақтади, чунки улар оталарига яхшилик қилганларидек, болаларига ҳам яхшилик қилган эдилар. Сенинг бўйнингда отанг-нинг ҳаққи бўлганидек, болангнинг ҳам ҳаққи бор" (*Бухорий. "Адабул муфрад"*).

"Ким кичикларга раҳм-шафқат қилмаса, катталарга иззат-хурмат кўрсатмаса, у биздан эмас" (*Термизий ривояти*).

"Ё Расулulloҳ! Биз ота-онанинг ҳаққини билдик. Аммо фарзанднинг ҳаққи нимадан иборат?" деган саволга Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг саломини бўлсин): "Унга чиройли исм қўйиб, гўзал одоб бериш", дедилар (*Байҳақий ривояти*).

"Фарзандларингизни ҳурматланглар ва уларнинг одобини гўзал қилинглар" (*Ибн Можа ривояти*).

"Исломда инсон ҳуқуқлари" анжумани ҳужжатларидан:

"Ҳар бир бола дунёга келган кунидан бошлаб ота-оналари, жамият ва давлат томонидан кўрсатиладиган зарурий парвариш, таъмин, шунингдек, моддий, гигиеник ва маънавий кўмак олиш ҳуқуқига эга. Болага ҳам, онасига ҳам махсус парвариш ва ёрдам кўрсатиш қонунчилиқда белгилаб қўйилади" (*7-модда*).

"Ислом боланинг асосий манфаатларини ҳимоя қилади, болага муҳаббат, эътибор кўрсатувчи ва хавфсизлигини асрашни таъминловчи табиий муҳит сифатида оилани муҳофаза этади" (*8-модда*).

"Билим олишга интилиш болага фарз ва мажбурият, уларга етарли билим берилишини таъминлаш эса жамият ва давлатнинг бевосита вазифаси ҳисобланади. Давлат таълим олишнинг имконият ва воситаларидан фойдаланишни таъминлаши, кишиларга инсоният бахт-саодати йўлида Ислом дини ва коинот илми билан танишиш имкониятини бериш учун билимларнинг ҳартомонлама бўлишини кафолатлаши керак".

"Ҳар бир киши турли ўқув юртларида ҳам диний, ҳам дунёвий билим олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир киши турли ижтимоий институтлар, шу жумладан, оила, мактаб, университет, оммавий ахборот воиталари ва бошқалар раҳбарлигида шахс сифатида ҳартомонлама шаклланиш, Аллоҳга имонини мустаҳкамлаш, мусулмонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳурмат қилиниши ва ҳимоя этилишини таъминлаш ҳуқуқига эга" (*9-модда*).

Юсуф Қарзовий, машҳур олим:

"Агар кимдир боланинг отаси эмаслигини

билатуриб, унга оталиқни даъво қилса, унга жаннат эшиклари ёпилгандир".

Ёт болани ўзиникидай қилиб рўйхатдан ўтказиб асраб олишни Ислом тақиқлаши сабаби хусусида Шайх бундай дейди:

"Ислом бола асраб олишнинг бу усулини табиий тартиб ва аслиятни сохталаштириш деб баҳолайди".

Бегона болани оилага аъзо қилиб олиш ва унга маҳрам бўлмаган аёллар билан унинг ёлғиз қолишига йўл бериш хатодир. Агар фарзанд асраб олишдан бошқа чора бўлмаса, асраб олинган болага унинг ҳақиқий ота-онаси ким эканини албатта айтиш ва зеҳнига сингдириш лозим. Акс ҳолда, жуда хунук оқибатлар келиб чиқади. Яъни, асранди бола ўзининг асл ота-онасини билмаса ёки билдирилмаса, катта бўлганида ўзининг ака-укаси ё опа-синглиси билан эр-хотин бўлиб қолишдек жирканч эҳтимоллар юз бериши мумкин. Аллоҳ асрасин.

Яқинда ишлаб чиқилган сунъий ҳомила қилишнинг илмий усулига келсак, у фақат "уруғ аёлнинг эридан олинмаганидагина" тақиқланади.

Маҳмуд Шалтут, Мисрдаги "Ал-Азҳар" до-рулфунунининг собиқ шайхи:

"Бегона эркакнинг уруғидан фойдаланиб сунъий ҳомила пайдо қилиш зино қаторига қўшилади. Аёлни ўз эри уруғи ёрдамида сунъий ҳомиладор қилиш насл давомийлигининг қонуний усулидир".

Ҳаммод Абдуллатиф, таниқли олим:

"Бола учун масъулият ҳис этиш ва қайғуриш ҳам диний аҳамиятга, ҳам ижтимоий манфаатларга бирдай тааллуқли масаладир. Боланинг ота-онаси бор-йўқлигидан, уларнинг соппа-соғлиги ёки оғир хасталигидан, номи машҳурлиги ёки номаълумлигидан қатъи назар, болага энг зарур ёрдам кўрсатилиши зарур. Боланинг фаровонлиги учун масъул бўлган кишилар, улар боланинг яқинлари бўладими ёки васийлик қилувчиларми — барибир, ўз бурчларини бажариш учун бор куч-имкониятларини ишга солишлари керак. Агар боланинг яқин қариндошлари бўлмаса, унга ғамхўрлик кўрсатиш бу иш учун махсус тайинланган масъулларнинг ҳам, оддий фуқароларнинг ҳам, хуллас, бутун мусулмон жамиятининг умумий мажбуриятига айланади".

Муҳаммад Абдул Рауф, олим:

ЮНИСЕФ бундай аянчли маълумотларни келтиради: ер юзида 2,6 милён бола СПИД хасталиги вирусини ташувчи саналади, бу хасталик 5 милён боланинг отаси ёки онасининг

жаётига зомин бўлган. Йилига бир милён бола ноқонуний жинсий бузуқликлар савдосининг молига айланади.

Исломга кўра:

— Болалар ҳуқуқи улар туғилган кундан бошлаб кучга киради.

— Қизлар ва ўғил болалар ота-оналари томонидан эътибор ва ғамхўрликда баб-баравар ҳуқуқларга эгадилар. Улар тегишли озиқ-овқат, кийим-кечак, соғлиқни сақлаш ва таълим олишга ҳақлидирлар.

— Қиз-ўғиллар баравар илм олиш ҳуқуқига эгадирлар. Куръоннинг илк нозил бўлган ояти "Ўқи!" деб бошланган. Пайғамбар (*у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин*) илм олишни ҳар бир муслим ва муслимага фарз деганлар.

— Агар она бошқа эрга тегса ва унинг янги эри яқин қариндош бўлмаса, болалар отанинг қариндошлари тарбиясига берилади.

— Рашқдан четланиш учун бирорта бола бошқаларига қараганда ота-онасининг кўпроқ имтиёз ва эътиборига сазовор бўлмаслиги керак.

— Ота ҳам, она ҳам болани яхши тарбиялашда, чиройли хулқ билан унга намуна бўлишда баравар масъулдирлар.

— Болаларни иқтисодий жиҳатдан эксплуатация қилиш, корхона, дала-фермаларда ишлатиш, хонадонларда хизматкор сифатида ёллаш Ислом қоралаган маънавий жиноят ҳисобланади. Боланинг соғлиғи ва хавфсизлигига раҳна соладиган ҳар қандай иш қаттиқ тақиқланади.

— Болалар дам олиш ва ўйнаш ҳуқуқига эга. Уларни руҳий ва жисмоний тарбиялаш учун уларга отда юриш, сузиш, мерганлик каби спорт турлари билан шуғулланиш тавсия этилган.

— Оталар, Куръон ҳукмига кўра, фарзандларини мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этолмайдилар.

— Ёш болалар ҳам катталар каби жинояти ўз тасдиқини топмагунча айбисизлик ҳуқуқидан фойдаланади. Улар одил судлов текширувига ва ўз ҳақларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларни жисмоний, руҳий қийнаш ва ҳўрлашнинг бошқа ҳар қандай усулларини қўллаш тақиқланади.

— Агар ота ёки она Исломга зид келадиган нарсани талаб қиладиган бўлсагина, болалар уларга бўйсунмаслиги мумкин.

— Исломда инсон ҳуқуқлари болалар ҳуқуқидан бошланади, улар маънавий тавсиялар бўлиб қолмасдан, шариатда қонуний мустаҳкамлаб қўйилган.

— Бола ҳуқуқи ҳар бир фуқаро учун ҳам, жамоа ва жамият учун ҳам мажбурий дастур ҳисобланади. Бола учун оила, фуқаролик жамияти ва ҳукумат масъулдир.

(Интернет материаллари асосида тайёрланди)

Йўлда

Қиш куни, қор ёққан, йўл тойғончиқ. Автобусга чиқдим. Одам кўп экан. Бир тўп хотинхалажнинг гапириб, кулиб кетаётгани, ҳатто эркаклардан андиша қилмай аския айтишаётгани қулоғимга чалинди. Ҳайрон бўлиб, уларга қарадим. Тўртбеш нафар бозорчи аёл эди. Улар қаерда эканларини, ким билан гаплашаётганларини уну-

Бошқалар ҳам жим. Қайтага биз йўловчи эркаклар ўнғайсизлана бошладик. Танбеҳ бериш яна ноқулай. Ҳайрият, ўғилчасининг қўлидан ушлаб, тик турганча жим кетаётган ёшгина рўмолли аёл гапириб қолди:

— Ҳой, азиз опажонларим, мана бу оталаримиз, ака-укаларимиз олдида ўзимизни шунақа енгилепли тутишимиз одобданми? Мени кечира-

ИККИ ДУНЁДА

тиб кўйишгандек. Ҳатто ҳамманинг нигоҳини ўзларига қаратмоқчи бўлибми, ҳайдовчига ҳам гап ташлашди:

— Шопир ака, автобусга одамлар чиқаётганида хурсанд эдингиз, тушаётганларнинг қўлига қараб, афтингиз бужмаяди?..

Яна кулгу. Ҳижолатдан қизарган ҳайдовчи орқага бир қаради-ю ҳушёрликни йўқотмай дедими, гапирмай кўяқолди.

сизлар-у, бировни ҳижолат қилиш ҳам катта гуноҳ. Ҳозир ҳаммамизнинг ҳаётимизга жавобгар бўлган ҳайдовчини ҳам ишдан чалғитяпсиз, ҳалақит беряпсиз. Худо сақласин, бир фалокат юз берса нима бўлади? Ундан кўра ўзларингизни билиб, озгина сабр қилсаларингиз, ҳадемай манзилга етиб оламиз, иншааллоҳ, — деди.

Шунда хотинлар бирдан тинчиди. Ман-




зилга етгунча ҳеч ким ортиқча гап қилмади. Ногоҳ эсимга Пайғамбаримизнинг *(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)* муборақ ҳадислари келди: "Мўмин мўминнинг кўзгусидир". Дарҳақиқат, мўминнинг вақтида айтган тўғри гапи бегубор кўзгу. Ундан камчилигимизни билиб оламиз, ўзимизни тузатишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун эса мўминда журъат бўлиши керак экан.

рамиз. Ҳар нафасимиз учун Аллоҳга шукр қилишимиз зарурлиги хаёлимизга ҳам келмайди.

Яқинда кўзи ожиз маҳалладошимиз Салим ака билан учрашиб қолдим. У киши жуда ибратли гурунг берди:

— Кўз неъматининг шукронасини адо этмадикми ёки кўз туйғуси содир этилган гуноҳларга вақтида тавба қилмадикми,



ЭНГ ҚИММАТЛИ НЕЪМАТ

Худди шунингдек, диний-миллий қадриятларимиз ҳам, одобахлоқ ҳам ўз вақтида, ётиғи билан, юракка яқин қилиб тушунтирилса, кўпчилик хотинлар уятсизликни эркинлик деб тушунмаган, беҳуда гапсўзлардан тийилган бўлишармиди.

Тожимуҳаммад ТўЛАН,
Тошлоқ тумани

Имон саломатлиги муҳим

Ҳаётдан нолишга ўрганиб қолганмиз. Тўрт мучамиз соғ, керакли нарсаларимиз бўлатуриб, арзимас матоҳлар етишмаслигидан куюниб юрамиз. Фарз амалларни адо этишга барча имкониятларимиз бўлгани ҳолда танбаллик, дангасалик қилиб юраве-

ишқилиб сўқирлик қисмати бошимизга тушиб турибди. Аммо бундан хафа эмасман. Балки Аллоҳ таоло яхши кўрган бандасига дард беради, дард ўтган гуноҳларга каффорат бўлади, деган ҳикматлар менга далда бўлади. Энг муҳими, имоним саломатлигидан хотиржамман. Ахир бу дунёда энг қимматли неъмат имон саломатлиги эмасми?! У икки дунёмиз учун ҳам фойдали. Унинг нури билан қалбимиз тўғри йўлни топади. Имонни бой бериб қўйишдан ўзи асрасин...

Салим ака ҳақли. У ўз ҳаёти мисолида нимага куюниш, нимадан суюниш лозимлигини жуда тўғри уқтирди. Ҳамманинг ҳам қандайдир дарди ёхуд ушалмаган орзулари бўлади. Аммо имон

туйғуси муҳимни номуҳимдан ажратиб беради экан. Имони саломат киши синовларга мардона дош беради, умрини нолиш билан эмас, шукр қилиб ўтказади.

Руҳиддин АКБАРОВ,
Қарши

Мозийни билишнинг фойдаси

Одам кўрмаган жойини кўргиси келади. Мўмин киши учун сафар, зиёрат кўп фойдали. Атрофга ибрат кўзи билан қарай олсак, зиёратнинг файзи бўлакча бўлади. Яқинда биз, "Йўрмадўз" маҳаллалик бир гуруҳ кексалар, кўҳна Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳат қилдик. Бир қанча зиёратгоҳларни, тарихий обидаларни томоша қилдик. Ўтмишимизга сафар қил-

гандай бўлдик. Тарихимиз ҳақида билимими бойиди.

Қаранг, буюк аждодларимиз Аллоҳ берган истеъдод, бутун имон, меҳнатсеварлик билан неча-неча авлодларга очиқ намуна бўлиб турибдилар. Ёшларимиз ўлка тарихини яхши билишлари, қадим кентларимизнинг ҳар бир гиштида имонли, оқил, мард боболаримизнинг қўл излари билан бир қаторда қалб ва эътиқодлари ҳам акс этганини ҳис қилишлари керак. Шундагина улар ҳам ҳар бир кунни мазмунли ўтказиш пайида бўлишса, ажабмас.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
Марғилон





Искандар ХҲЖАНОВ,
тиббиёт фанлари доктори, Тошкент тиббиёт академияси
травматология ва ортопедия кафедраси профессори

ЁШ ЭЛЛИКДАН ОШГАНИДА

Иш тажрибамиздан маълум, эллик ёшдан ошган кўп одамлар тизза, болдир-ошиқ (тўпик) бўғини, бўкса бўғини ҳамда бел-думғаза умуртқалари жароҳатларининг асорати бўлган хасталиклар билан бизга тез-тез мурожаат қилишади. Бундай беморларда кўпинча кучли оғриқ, ҳаракат чегараланиши (бўғинларнинг букилмай, очилмай қолиши) оёқ-қўллардан тез совуқ ўтиши, маълум ҳолатларда (масалан, руку, қаъда) узоқ туролмаслик ёки уларни умуман бажаролмай қолиш, суякларнинг мўртлашиб, зичлиги сусайиши (остеопароз) каби асоратлар кузатилади.

Одатда бу ёшда суяклар синувчанлиги кучайиши мумкин. Бунинг белгиси — қон билан таъминланиш даражаси пасайгани учун суяклар қақшаб оғрий бошлайди. Бу ҳолатлар намозни кечиктириб, арконларини ўрнига қўёлмай ўқишга сабаб бўлиши аниқ.

Ҳўш, буларни келтириб чиқарадиган асосий сабаблар қайсилар?

Биринчиси — яшаш тарзи, кундалик ҳаётда айрим машқ-ҳаракатлар мунтазамлигининг бузилиши. Ёшлигидан узлуксиз намоз ўқиб юрган кишиларнинг бўғинларида, оёқ учларида ҳам совқотишларга, қонсизланишларга қарши кўникма ҳосил бўлади. Бундай одамлар бирор жароҳат олишганида биз юқорида айтган асоратларга мубтало бўлишлари кам кузатилади.

Иккинчи сабаб — эътиборсизлик қилиб, шифокор кўринишни орақага суришдир. Бундай қилган кишилар ўзларини оғир аҳволга солиб қўядилар. Айримлар қандай жароҳат олишмасин, фақат табибга учрайди. Табиб бўғин чиққанми, суяк синганми, эт эзилганми, фарқламай доимо уқалаб, тортиб-чўзиб муолажа қилади. Тажриба, ҳисоб-китоблар кўрсатишича, айниқса катта ёшлиларда бўғин чиқиши жуда кам содир бўлади. Синиш, ёрилиш, айниқса, бўғин пайлари чўзилиши энг кўп учрайди.

Учинчи сабаб — жароҳат олган кишиларнинг даволаниш муддатларига мутлақо риоя этмаслигидир. Аслида бирор ҳаракат аъзоси синиши, ёрилиши у ёқда турсин, озгина лат еганида ҳам камида икки ҳафта гипсда туриши, авайланиши керак. Акс ҳолда, оғриқ узоқ давом этиши, бўғинда шиш пайдо бўлиши, бемор иссиққа, совуққа чидамсиз бўлиб қолиши мумкин. Ай-

римларнинг шикастланган қўл-оёқ билан ҳам ишлаб, гоҳо юк кўтариб юрганини кўрасиз. Бундай эҳтиётсизлик туфайли озгина зўриқиш бўлса, оғриқ кучайиб, чўзилиб кетиши, оқибатда бемор бўғин артрозига мубтало бўлиши ҳам кузатилади.

Бунда бўғинлар ҳолати, тоғай таркиби ўзгаради, суюқлик чиқиши ва сўрилишининг меъёри бузилади. Бўғинларнинг суяк ва тоғайларида кўзга кўринмайдиган тешикчалар бор. Уларнинг бир хилидан суюқлик чиқса, бошқа бир хилидан ичкарига сўрилади. Бўғинлар юзаси доимо ана шу суюқлик билан намланиб туриши керак. Бу эса бўғинларнинг яхши ишлашида энг муҳим омилдир. Чунки бўғин синовиал суюқлиги ишқаланиш оқибатида суяклар емирилишининг олдини олади. Унинг сўрилиши сусайганида эса, суюқлик кўпайиб, шиш пайдо бўлади. Суюқлик чиқиши ҳам камайиб ёки тўхтаб қолади. Бу ҳол қақшаб оғриш, ҳаракатдан қолиш билан кечадиган бўғин контрактураси ва анкилоз хасталикларига олиб келади. Бу хасталиклар жисмонан семиз кишиларда янада оғир кечади. Чунки бўғинларга оғирлик юки тушади.

Фойдали маслаҳатлар

1. Жисмоний машқ-ҳаракатлар, айниқса, беш вақт намоз мунтазамлигини соғ юрган пайтда ҳам, жароҳат олган кезларда ҳам асло узиб қўйманг. Танани қанча ёшлик пайтингиздан бунга пухта ўргатсангиз, шунча яхши.

2. Жароҳат олдингизми, дарҳол травматолог (синиқчи) шифокорга мурожаат қилинг. Табиб мутахассис бўлмаса, чўзилган пайларни баттар тортиб-эзиб қўйиши ҳам мумкин. Бу хасталикларнинг хусусияти шуки, уларни даволаш кўпинча ойлаб, йиллаб сабр билан давом эттирилиши лозим.

3. Таҳоратхоналарда кўпинча елвизак бўлиб туради. Шу боис белни, тиззаларни иссиқ ва маҳкам тутиб турувчи боғламалардан фойдаланиш яхши самара беради.

4. Мол, қўй оёқларидан қайнатиб тайёрланадиган лиқилдоқ таом (холодес), шунингдек, таркибида калсий моддаси, В, С гуруҳига кирувчи дармондорилари кўп бўлган овқатларни, ошқўқларни тез-тез тановул қилиб туринг.



Дунёда маънисиз сўз ҳам бор бўлганидек, маълум маънони англатмайдиган нақш-безаклар ҳам бор. Аммо халқимизнинг бетакрор мероси ҳисобланган меъморий обидалардаги нақши-нигорларни ўрганиб чиқсангиз, ажодлар заковатининг улуғлигига амин бўласиз. Маънисиз биронта безак йўқ. Буни Тошкент марказидаги "Кўкалдош" мадрасаси нақш-безаклари мисолида ҳам кўриш мумкин.

"XVI аср ўрталарида Хўжа Аҳрор мадрасаси ва жомеъ масжидидан жануби-ғарброкда Тошкент ҳокимининг Кўкалдош лақабли вазири Бароқхон икки қаватли мадраса қурдирган. Ўзининг катталиги ва ташқи томонининг серкор парчинлар ва ранг-баранг нақшлар билан безатилиши жиҳатидан ҳамда ложувард баланд гумбазлари билан бу мадраса ўша замондаги Самарқанд ва Бухоро мадрасаларидан қолишмас эди"¹.

Мадраса пештоқи ўн ва беш рахли ҳандасавий нақшлар билан безатилган. Унинг икки томонида иккитадан тўртбурчак шаклида ва меҳроб-токча кўринишида безаклар бор. Уларда Ўрта Осиёнинг деярли барча обидаларида учрайдиган чархпалак тасвирланган. Чархпалак қадим Шарқда қарийб уч минг йилдан буён хилма-хил маъноларни англатиб келади.

Кўкалдош мадрасаси пештоқидаги тўртта тўртбурчак

НАҚШЛАРГА ЯШИРИНГАН ҲИКМАТЛАР



шаклидаги бир хил нақшли безакнинг қандай рамзий маъноси бор? Унга қандай ҳикмат яширинган?

Тўртбурчак (квадрат) дунёнинг тўрт томонини, мустаҳкамлик, оламнинг чексизлиги, ёруғлик маъноларини билдиради. Унда олам тўрт унсурдан — ер, сув, ҳаво ва оловдан иборатлиги ҳам акс этган.

Тўртбурчак тўққизта тенг катакларга бўлинган. Тўққиз рақами чуқур рамзий маънолар ташийди. Ҳомила она қорнида тўққиз ой, тўққиз кун яшайди, кейин дунёга келади. Инсоннинг энг зарур тана аъзолари сони ҳам тўққизта: кўз, қулоқ, бурун, оғиз, қўл, оёқ, қорин, тиш ва тил.

Тўртбурчак ва чархпалак

марказида "Аллоҳ" исми ёзилган. Қуръони каримда бундай марҳам қилинган: "У — осмонлар ва ернинг подшоҳлиги ўзиники бўлган бола-чақа қилмаган подшоҳликда бирон ширини бўлмаган ва барча нарсани яратиб, (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган зотдир"².

Тўртбурчакнинг тўрт бурчагидаги катакка Пайғамбаризмнинг муборак исмлари "Мухаммад" битилган. "Аллоҳ" ва "Мухаммад" исмлари оч ҳаёт рангга ёзилган. Бир хил рангли ёзувларнинг умумий адади бешга тенг. Бу нарса Исломнинг беш устунига — имон, намоз, закот, ҳажга ишорадир.

Аждодларимиз бизга қолдирган ноёб маънавий бойликларимиз — тарихий меъморлик обидаларининг ички ва ташқи безаклари инсонларга фақат гўзаллик, завқ улашибгина қолмайди, балки ҳаёт ҳақиқатини англаб, ҳидоят сари дадил боришга ҳам ундайди.

Саидахбор БЎЛАТОВ

педагогика фанлари доктор,
Низомий номидаги ТДПУ профессор.

Абдуллоҳ ЭЛМУРОДОВ

ТДПУ ўқитувчиси

¹Крюков К. "Кўкалдош мадрасаси". Т., "Ўзбекистон", 1968, 2-3-б.

²Нозилов Д. "Нақшларда куйланган орзу". "Фан ва турмуш" 1981, 12-сон 4-б.

³Қуръони карим. Фурқон сураси 2-оят.

БОЙҚОЗОНДА БАЙРАМ БЎЛДИ



Янгибозордан ўтиб, Паркент шаҳрига етай деб қолганингизда чап қўлда, сал олисроқда Бойқозон қишлоғи кўзга ташланади. Декабрь ойининг бешинчи куни шу қишлоқда ўзига хос байрам, катта шодиёна бўлди. Ёшу қари бойқозонликлар, қўшни туманлардан, Тошкентдан келган меҳмонлар бу ерда қайта қурилган кўркем жомеъ масжидининг очилиш маросимида иштирок этишди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов бутун қишлоқ аҳли, барча мусулмонларни ушбу хурсандчилик билан табриклар, холис ибодат билан бунинг шукронасини адо этишга чақирдилар. Муфтий ҳазратлари масжид қурилишига ҳолиқудрати етганича ҳисса қўшган барча юртдошларимиз ҳаққиға дуо қилдилар.

Албатта, Бойқозонда илгаридан эски масжид бор бўлган, лекин вақт ўтиши билан анча ночор ҳолга келиб қолган эди. Намозхонлар сафи эса йил сайин кенгайиб борди. Хуллас, замонамиз талабларига жавоб берадиган жомеъ қуришга катта эҳтиёж туғилди.

"Бойқозон" ширкат хўжалиги раиси Тоҳир ака Холтоев бир неча жомеъларнинг лойиҳалари ўрга-

ниб чиқди. Ниҳоят, бошқаларидан анча фарқли, ўзига хос ечим топилди: бир вақтда минг нафар намозхон ибодат қилиши мумкин бўлган хонақоҳ, қибладан бошқа уч тарафида ҳам катта-катта эшиклар, асосий эшикдан кираверишда дастлаб айвонча, сўнгра икки қаватли кичик хонақоҳ (иккинчи қават кутубхона ташкил этиш учун жуда қулай), ниҳоят ўзига хос новча гумбаз ва олпита кичик гумбазчалар... Катта гумбаз айланаси томга туташ жойида ингичкароқ бўлса-да, кўтарилган сари, тахминан ярмигача кенгайиб боради, кейин яна кичирая бошлайди. Бу эса гумбазнинг анча баланд (ердан йигирма етти метр) бўлишини таъминлаган.

Туман бош имом-хатиби Обиджон домла Муҳаммаджон билан маслаҳатлашиб, 2004 йилнинг август ойида масжид қурилиши бошлаб юборилди. Хоразмлик гишт терувчилар, тошкентлик ёғоч ва тунока усталари, безакчи усталар, шунингдек, маҳаллий ҳашарчилар сидқи-дилдан, ғайрат-шижоат билан ишлашди.

Устабошилардан Тўлабой Салимов, Холдор Ақромов, Мирмаҳмуд Мирабдуллаев, Ҳабибулло Фуломовлар меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Деворлар, пештоқлардаги хаттотлик ёзувларини Қудратуллоҳ қори маҳорат билан бажарган. Масжид ўн беш ойда қуриб битказилди.

Маъмурий хоналарга ҳам айвон, кейин эса унча катта бўлмаган саҳн орқали ўтилиши боис, бу жой худди масжиднинг ичкари ҳовлисидек таассурот уйғотади одамда. Таҳоратхона, қоровулхона ҳам ихчам шаклда, чиройли қурилган.

Албатта, ҳар қандай масжид аввало намозхонлар билан обод бўлади.

Ўша куни пешинда катта ва кичик хонақоҳларга одам сиғмай, ташқи айвонларда ҳам намоз ўқилди. Аллоҳ талодан қайта тикланган "Бойқозон" масжидини ҳам, барча жомеъларимиз қатори, доимо обод ва кўркем сақлашини илтижо қилиб қоламиз.

Абдул ЖАЛИЛ

